БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 194 (17.476). • 24 август 1979 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

Меҳнат рапорти

Ўзбекистон шахтёрлари ўзларининг анъанавий байрамлари — Шахтёрлар кунини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, кўмир қазиб чиқариш юзасидан саккиз ойлик планини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Республика кончилари ўнинчи беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан бир вақт бажариш учун куч-ғайратларини сафарбар этиб, иш суръатларини жадаллаштирмоқдалар. (ЎзТАГ).

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ШАЙ БЎЛИБ

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

23 август куни Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда Хоразм область район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, колхоз раислари, совхоз директорлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, партия ва совет активи йиғилдилар. Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов очган кенгашда Хоразм область деҳқонларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини қизғин кутиб олдилар. Колхоз марди майдонлари бу йил 1185 гектар пахта майдонидан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айни вақтда пахта териш агрегатлари мавсумга пухта ҳозирланаётир. Шу кунгача 11 та «зангори кема» ремонтдан чиқарилиб, линейкаларга чизиб қўйилди. Ҳосилнинг 90 процентини агрегатлар ёрдамида териб олишга аҳд қилган механизаторлар бошқа техника воситаларини ҳам мавсумга сифатли тайёрлашяпти. Суратда: илғор механизатор Убайдулла Киргизов. У бу йилги мавсумда 300 тонна пахта териш мажбуриятини олди.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

Сўзга чиққан кишилар областнинг қишлоқ меҳнаткашлари «оқ олтин» ҳосилини тўплаш учун айча ишлар қилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Зиммага олинган мажбуриятлар тўла бажарилибгина қолмай, оширилиб бажарилиши ҳам мумкинлиги айтилди. Масалан, Охунбобоев номли колхоз коллективи плиндан ташқари 1500 тонна пахта тайёрлашга сўз берди. Кенгашда қабул қилинган тадбирларда ҳамма ерда ипатоволиклар методи билан терим комплексларини вужудга келтириш, терим мавсумини шай туриб кутиб олиш белгилаб чиқилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОРЛАР СЛЁТИ

22 август куни Бухорода область механизаторларининг слёти бўлди. Слёт қатнашчилари беш йилликнинг тўртинчи йилида «оқ олтин» ҳосилини машинада териб олишга тайёргарликнинг бориши ва 1979 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида область механизаторларининг вазифалари тўғрисидаги докладни муҳокама қилдилар.

Слётда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов нутқ сўзлади.

Слёт ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этди. (ЎзТАГ).

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ШАЙЛАНАЙЛИК

КУНИ кеча матбуотда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори босилди. РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА ТАЙЁРЛОВ ОРГАНЛАРИ, КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИДА 5 МИЛЛИОН 700 МИНГ ТОННА ПАХТА ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲОСИЛНИНГ 70 ПРОЦЕНТИНИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИШ ЮЗАСИДАН КАТТА ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИНИ УТКАЗМОҚДАЛАР, дейилади қарорда, ғўза ўтган йилга нисбатан юқори суръатлар билан парвариш қилинаётгани, ҳар бир бригада, колхоз ва совхоз олган социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган мўл ҳосил тўплашга қаратилган агротехника тадбирларини амалга ошираётгани таъкидланади.

Афсуски, шу билан бирга ғўза парваришидаги камчиликлар ҳамон тугатилгани йўқ. Айрим колхозлар ва совхозларда культивацияни сифатсиз ўтказиш, ғўзаларни кўллатиб суғориб, ғовлатиб юбориш, чўллатиб қўйиш, ўтга бостириш ҳоллари учраяпти. Чеканка нетга суриляпти. Зараркунандалар ва касалликларга қарши таъсирчан чоралар кўрилмаяпти, захарли химикатлардан самарали фойдаланилмаяпти. Бундай аҳвол Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро областларининг баъзи хўжаликларида, Жарқўрғон, Кегайли, Мирзачўл, Ленинград ва бошқа қатор районларда айниқса кўпроқ юз беряпти.

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш, шоналарни тезроқ гулларга, гулларни кўсакларга айлантириш, барвақт очилишига қулай шароит яратиш ойи. Ўтган ойларда йўл қўйилган нуқсонлар шу ойда батамом тугатилиши, ҳар картадаги ҳар туп ғўза серҳосил бўлиши таъминланиши керак. Бунинг учун комплекс парвариш бутун чоралар билан кучайтирилмоғи даркор. Уруғ — ҳосилнинг онаси. Шундай экан, уруглик участкаларининг ғўзалари айниқса меҳр билан парвариш қилиниши, кўсаклар тўқ, чигит бут, тола сифатли бўлишини таъминлаш чоралари кўрилиши керак.

БУ ЙИЛ МАШИНАЛАРДА 4 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА ТЕРИЛАДИ. ЮКСАК МАЖБУРИЯТНИНГ ТАҚДИРИ УЧУН ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР, БРИГАДА БОШЛИҚЛАРИ, БУЛИМ БОШҚАРУВЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАР ЖАВОБГАРДИРЛАР. Ҳосилни машиналарда териладиган карталар синчковлик билан ажратилиши, ғўзалар калта бўғин, серҳосил бўлишини таъминлаш талаб этилади. Ким қайси пайкалда терим ўтказиши ҳозирдан аниқланиб олиниши лозим.

Машина терминининг тақдирини уч фактор — дефолиацияни бу йилги шароитни ҳисобга олиб, қисқа фурсатда сифатли ўтказиш, «зангори кема»ларни аъло баҳолар билан ремонтдан чиқариш ва ниҳоят, уларни юқори унум билан ишлатиш ҳал қилади. Механизатор кадрларни комплектлаш ҳам катта аҳамиятга молликдир. Ромитан, Шофиркон, Гагарин ва бошқа ўнлаб районларда машиналар ремонти тугалланганига анча бўлди, Ғалаба, Қарши ва бошқа қатор районларда бу муҳим ишга якун ясаляпти.

Бироқ Қоражўзак, Шуманай, Навоий, Ховос, Гурлан, Янгийўл, Чуст ва бошқа анчагина районларда пахта терим машиналари, транспорт воситалари, қўсак узиш, чувиш механизм-агрегатлари ремонти чўзиб юбориляпти, ремонтдан чиқарилганларида эса жиддий нуқсонлар борлиги аниқланяпти.

Қарорда таъкидланиб ўтилганидек, **ҲАММА ЖОЙДА ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ, ТРАКТОРЛАР, ТРАКТОР ПРИЦЕПЛАРИ, ОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, ЧАНГЛАГИЧ-ПУРКАГИЧЛАР, ШУНИНГДЕК, ТЕХНИКА ХИЗМАТИ ВОСИТАЛАРИ ВА ЕНИЛҒИ ҚУЙИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ШУ ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИГАЧА, ҚУСАК УЗИШ, ЧУВИШ ВА ТУКИЛГАН ПАХТАНИ ТЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ 15 СЕНТЯБРГАЧА ТУГАЛЛАНИШИ КЕРАК,** уларнинг ҳеч асоссиз ҳисобдан чиқариб юборилишига йўл қўймаслик, ҳар бир машинани ремонт қилишни назарда тутиб, механизаторларни ремонт ишларига жалб этиш, уларга зарур ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитларни яратиш, ҳамма жойдаги ремонтчилар ўртасида пахта териш техникасини тезроқ ва юқори сифатли тайёрлаш учун социалистик мусобақани авж олдириш зарур. Хўжаликларда ипатоволиклар методи асосида терим-транспорт отрядлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети коллектор-зовур тармоқларининг, тик қудуқларнинг ҳолатини кўриб чиқиш, уларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун ўз вақтида тозалаш ва ремонт қилиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш зарурлигини уқтирдилар. Кўсакларнинг тезроқ пишиб очилиши; пахта сортининг юқори бўлиши, фурсатдан ютилиши, машиналарни тезроқ пайкалларга киритишга имконият яратилиши ана шу тадбирларнинг амалга оширилишига боғлиқдир. Айрим устахоналар тўла қувват билан икки сменада ишлатилмаяпти, эҳтиёт қисмлар етишмаяпти, хўжаликлардан ремонтга келтирилган техника восталари, хусусан «зангори кема»лар узоқ вақт навбат кутиб қоляпти, кўчма устахоналар ташкил этиш, уларни маланали механиклар, токарлар, слесарлар билан комплектлаш кечиктириляпти. Узбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети ва унинг жойлардаги органлари юз берган камчиликларни жадаллик билан тугатишга, техника ремонтини кучайтиришда колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришга даъват этилгандирлар.

Пахта заводлари, қабул пунктлари тезлик билан тайёр ҳолга келтирилиши, янги қуритиш-тозалаш цехлари қурилиши, мавжудлари шайлаб қўйилиши, етарли миқдорда ёқилғи жамғарилиши лозим, токи, завод ёки қабул пунктига келтирилган пахтани узлуксиз қабул қилиш мумкин бўлсин.

Хўжаликлар ва дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш учун хирмонлар, йўл-кўприклар, тош-тарозилар, этакларни ҳозирданоқ тайёрлаб қўйиш, дала шийпонларини мавсумга мослаб қайта жиҳозлаш чораларини кўришлари даркор. Утган йиллардаги каби бу йил ҳам бункер — тележка — завод методи кенг қўлланилади.

Партия ташкилотлари олдида ғоятда муҳим вазифалар турибди. Улар республика партия ва ҳукуматининг қарорини ҳар бир бригада, бўлим, колхоз ва совхозда агрофлича муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланишини таъминлашлари, қарорнинг ҳар бир моддасини пропаганда ва агитациянинг энг таъсирчан форма ҳамда методлари орқали меҳнаткашларнинг онгига сингдиришлари, уларнинг қалбида ҳосил тақдири учун масъулият ҳиссини кучайтиришлари керак. **БУ ЙИЛГИ ПАХТА ТЕРИМИ ҲАММА ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН КАТТА СИНОВДИР. ТЕРИМДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КУЧАЙТИРИЛМОҒИ, КОММУНИСТЛАР ИШ БОШИДА БЎЛИБ, АВАНГАРДЛИКНИ ТАЪМИНЛАМОҒИ, ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАНОҚ КУНЛИК ГРАФИКЛАРНИ СИФАТГА ҲАЛАЛ ЕТКАЗМАГАН ҲОЛДА БИР ЯРИМ-ИККИ ҲИССА БАЖАРИШ ОДАТ ТУСИГА КИРИТИЛМОҒИ КЕРАК.**

Давлатга фақат аъло нав пахта топширишга эришайлик! Бунинг учун механик ҳайдовчилар, теримчилар, ёрдамчилар ўртасида тушунтириш ишлари кучайтирилиши, пахта ҳиллаб терилиши, нобудгарчилинка асло йўл қўйилмаслиги, ифлослантирилмаслиги керак. Йиғим-терим ғоятда тадбиркорликни талаб этади. Партия ташкилотлари оегамлик, бепарволик, интизомни бузиш ҳолларига қаттиқ зарба беришлари, уюшқоқлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлашлари, кўп тонначи ва кўпминг километрчи механик ҳайдовчилар, теримчиларнинг иш методини ўлмаганинг мулкига айлантиришлари керак.

Партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, қарорда белгиланган тадбирларни ҳамма жойда изчиллик билан амалга оширайлик, бу йилги пахта йиғим-терими синовидан муваффақиятли ўтайлик!



ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 23 август куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога Ленин ордени билан иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Залда мукофотни топшириш вақтида В. В. Гришин, А. П. Кириленко, М. А. Суслов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, М. С. Горбачев ўртоқлар, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. М. Боголюбов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Г. М. Корниенко, В. Ф. Мальцев, И. Н. Земсков, Л. Ф. Ильичев ҳозир бўлдилар.

Мукофотни топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз Андрей Андреевич!

Мен бугун сизга Ватанимнинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширишга сидқидилдан ташаккур изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Азиз Леонид Ильич. Сиз ҳозиргина менга Ватанимиг фахрли мукофотини топширга туриб айтган эзгу самимий сўзларингиз учун астойдил миннатдорман.

Мен мамлакатнинг бу олий мукофотини ғоят тўлқинланиш ҳисси билан қабул қиламан ҳамда уни батамом улуғ Коммунистик партиямизга, партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатдаги ленинча йўлига тааллукли деб биламан.

Менинг ишимга берилган баҳо, ишонч ва эътибор зиммамга кўп мажбурият юклайди, зотан мен ана шу ишонч ва эътиборни оқлашмоқ учун куч-ғайратимни аямайман.

Ҳозирги шароитларда бизнинг ташқи сиёсий фаолиятимиз партия XXIV ва XXV съездлари ўртага қўйган Тинчлик программасини амалга оширишга қаратилган. Совет Иттифоқи ана шу программани рўёбга чиқара бориб бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга ташқи сиёсат соҳасида бутун халқаро тараққиётга чуқур таъсир ўтказган катта муваффақиятларга эришди. Ташқи сиёсатимизнинг обрў-эътиборн ҳар қачонгидан кўра юқоридир.

Тинчликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик йўлидаги куч-ғайратлара Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар етакчилик қилиб, актив роль ўйнамоқдалар.

Леонид Ильичнинг АҚШ Президенти Картер билан яқинда Венада бўлиб ўтган учрашувининг якунлари бу йўлдаги муҳим конкрет қадам бўлди. Ана шу учрашув вақтида СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шу учрашувнинг якунларини бутун дунёда жуда кенг кўламда тушунтириб қўллаб-қувватламоқдалар. Бу якунлар халқаро вазиятни янада яхшилашнинг янги имкониятларини яратади.

Биз тажрибадан шуни биламизки, тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш учун кураш — тепа-текис йўл эмас: бу йўлда ҳали кўпгина мураккаб ва машаққатли вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни ҳал этиш бугундан буён ҳам ғоят зўр ғайрат ва катта меҳнатни талаб этади, чунки кескинликни юмшатиш муҳолифлари қуролларини ташлаётганлари йўқ.

Бизнинг мамлакатимиз ана шу проблемаларни ҳал этиш учун курашни изчил ва сабот билан давом эттираверади, бу курашни биз аввалгидек дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан яқин ҳамкорликда, барча тинчликсевар кучлар билан биргаликда олиб бораверамиз. Леонид Ильич Брежневнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари билан шу йил Қримдаги учрашувлари бу йўлдаги янги муҳим босқич бўлди. Бу курашда, шу жумладан дипломатия жабҳасидаги курашда Ленин партияси ва унинг Марказий Комитети ғалаба қилмоқда.

Азиз ўртоқлар, ташқи сиёсат фронтининг ходимлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг халқаро майдондаги фаолиятларини амалга оширишларида бундан буён ҳам уларнинг содиқ ёрдамчилари бўладилар, деб сизларни ва сизлар орқали партиямиз Марказий Комитетини ишонтиришга ижозат бергайсиз. Улар социалистик Ватан манфаатларини ҳамиша муносиб ҳимоя қиладилар.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз синфий социалистик характерга эгадир. Совет халқига, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизга тинчлик вазиятида яшаб меҳнат қилиш имкониятини пухта таъминлаб бериш ташқи сиёсатимизнинг асосий мақсадидир. Бу мақсад халқаро кескинлик юмшатилишини, мустаҳкам тинчликни истаётган Ер юзидаги барча халқларнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушмоқда.

Бошқа бир жиҳатни ҳам алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги тадбирлари таъсирчанлигининг манбаи айни коммунистик қурилиш муваффақиятларидадир. Ҳосил қилинган ҳар бир киловатт-соат электр энергия, ҳар бир тонна нефть ва пўлат, ҳар бир трактор, станок, совет кишиларининг меҳнати билан қўлга киритилган ҳар бир центнер ғалла — айни вақтда ленинча ташқи сиёсатни амалга оширишга қўшилган ҳиссадир.

Партия, унинг жанговар штаби — Марказий Комитет, Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бутун халқаро фаолиятимизнинг ҳамиша қалби ва ақл-идроки бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Улар Ленин васиятига амал қилиб, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини доимо йўлга солиб турибдилар, унинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқмоқдалар.

Атоқли марксчи-ленинчи Леонид Ильич Брежневнинг халқлар тинчлиги ва бахт-саодати йўлидаги тинимсиз, баҳодирона меҳнати мамлакатимизда ҳам, шунингдек бутун дунёда ҳам ҳаммамизнинг миннатдорчилигини қозонди. Ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамма катта ташаббусларимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатимизнинг ташқи ишларига ютуқлари Леонид Ильич Брежнев номи билан боғлангандир.

Бизнинг мамлакатимиздагина эмас, кардош социализм мамлакатларида, шу билан бирга чет эллларда — ҳамма жойда ҳам Леонид Ильич сазовор бўлган жуда катта обрў-эътибор ва чуқур ҳурматдан совет халқи ҳаққоний равишда фахрланади. Унинг ҳар бир сўзидан совет кишилари, бошқа мамлакатлардаги миллион-миллион кишилар Ленин кўрсатган йўлдан дадил бораётган социализмнинг ҳис этмоқдалар.

Юксак мукофот учун, менинг шаънимга айтилган самимий сўзлар учун яна бир бор катта раҳмат.

Сизларни ишонтираманки, мен бундан буён ҳам ўзимнинг бутун кучим, тажрибам ва билимимни жонажон партиямизга, совет халқига, ленинча ташқи сиёсатни муваффақиятли амалга ошириш ишига сарфлайвераман. Коммунист сифатида мен учун ҳаётда бундан кўра юксак ва олижаноб мақсад бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

* * *

Ҳозир бўлган кишилар ўртоқ А. А. Громикони Ватанимиг юксак мукофоти билан самимий табрикладилар ва унга узоқ умр ҳамда Коммунистик партия билан Совет давлатининг фаровонлиги йўлида, Ер юзида мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашини тиладилар.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКО нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Азиз ўртоқлар!

Мени 70 ёшга тўлишим ҳамда Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотланганлигим туфайли йўллаган самимий табрикномаси учун партия Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига сидқидилдан ташаккур изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Ҳозирги шароитларда бизнинг ташқи сиёсий фаолиятимиз партия XXIV ва XXV съездлари ўртага қўйган Тинчлик программасини амалга оширишга қаратилган. Совет Иттифоқи ана шу программани рўёбга чиқара бориб бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга ташқи сиёсат соҳасида бутун

ТОШКЕНТДА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ

Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти, ЛХДР Олий халқ мажлисининг раиси Суфанувонг Москвага боратуриб, 23 август куни Тошкентда бир оз тўхтаб ўтди.

ЛХДР, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда олий мартабали меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

АҚШ Коммунистик партиясининг съезди

ДЕТРОЙТ, 23 август. (ТАСС махсус мухбири). Бугун ана шу саноат шаҳрида — Америка автомобилсозлиги марказида АҚШ Коммунистик партиясининг XXII съезди иш бошлади. Съездни партиянинг Миллий раиси Генри Уинстон очди. Делегатлар жаҳоннинг 30 дан кўпроқ мамлакатидан келган қардош коммунистик ва ишчи партияларининг вакилларини, шу жумладан КПСС вакили — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеевни самимий табриклади.

Компартия Бош секретари Гэс Холл бетоблиги сабабли АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг съездга сиёсий докладини Марказий Комитет Сиёсий Комитетининг аъзоси Майкл Загарелл Гэс Холл номидан ўқиб берди. У Америка коммунистларининг олий анжумани партия ўз шонли тарихининг 60 йиллигини нишонлаётган кунларда очилганлигини таъкидлади. Партия шу йиллар мобайнида яшовчанликка, актив ва ўсиб бораётган сиёсий кучга—жаҳон коммунистик ҳаракатининг ажралмас қисмига айланди.

Докладда Қўшма Штатларни қамраб олган иқтисодий танглик, шунингдек ҳукумат масъасаларининг ва йирик монополилар манфаатини кўзловчи икки партияли системанинг танглиги чуқур анализ қилинган.

Докладда маоизмнинг антимарксистик моҳиятини фош қилишимг ғоят муҳимлиги ҳақида гапирилади, АҚШ Компартияси маоизм идеологиясини рад этаётганлиги таъкидлаб ўтилади. Маоизм идеологияси ишчилар синфининг ҳаётий манфаатларига зид бўлиб, империализм қуроли бўлиб хизмат қилади, миллий-озодлик ҳаракатларига қарши қаратилгандир.

Ҳужжатда халқаро кескинликни юмшатилишини чуқурлаштириш ва қуролланиш пойгасини жиловлаш вазифаларига катта аҳамият берилади. Америка халқи, деб кўрсатилади ҳужжатда, кескинликни юмшатиш сиёсатини ва СКЧ-2 шартномасини қўллаб-қувватлайди, АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни ёқлаб чиқади.

Шу билан бирга АҚШда конфронтация сиёсатини ўтказишга интилаётган нуфузли кучлар бор. Бу кучлар СКЧ-2 шартномасининг ратификация этилишини барбод қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилмоқда. Бу шартноманинг рад этилиши ишчилар синфи ва бутун Америка халқи учун ҳалокатли окибатлар келтириб чиқарган, ҳарбий ҳаражатларнинг қўшимча равишда кўп миллиард долар кўпайишига олиб келган бўлур эди. Докладда Америка коммунистлари, бутун Америка халқи ҳатарли қурол-ланиш пойгасининг тўхтатилиши учун, ядро урушининг хавфига қарши, СКЧ-2 шартномасининг тезроқ ратификация этилиши учун муросасиз кураш олиб боришга даъват баён этилган.

Партиямиз, дейилади докладнинг пировардида, ҳозирги вақтда халқнинг кенг мададига сазовор бўлди, унинг таъсири бехад ўсди. Бу эса социализм учун кураш олиб бораётган чинакам оммавий коммунистик партияни вужудга келтиришга ёрдам бермоқда.

В. МАТЯШ.

МАДАНИЯТ ТАРИХИ БОСҚИЧЛАРИ

23 август куни Самарқандда «Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг антик маданияти» мавзуида Бутуниттифоқ илмий кенгаши очилди. Кенгашда кўпгина иттифоқдош республикалардан, мамлакатнинг илмий-тадқиқот муассасаларидан келган таниқли олимлар, археолог ва тарихчилар иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов кенгашни кириш нутқи билан очди.

Илмий учрашув программасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида яшаган халқларнинг моддий ва маънавий маданиятининг тадқиқоти натижаларини умумлаштириш, тадқиқотчилик тажрибасини ўртоқлашиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

РУМИНИЯ ОЗОД ЭТИЛГАН КУН ШАРАФИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги румин халқининг миллий байрами — фашистлар асоратидан озод этилган кунни нишонлади. Республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг 22 августда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Совет Армиясининг гитлерчилар устидан ҳал қилувчи галабалари шароитида амалга оширилган қуролли қўзголони муваффақиятли тугалланишининг 35 йиллигига бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари — Тошкент шаҳридаги меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет — Руминия дўстлиги жамиятининг активлари шонли сана ҳақидаги докладни тингладилар, румин халқини самимий қутладилар ва социализм қурилишида унга янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилишда СССРдаги РСР элчихонасининг биринчи секретари Ион Опря нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Таъзия учун миннатдорчилик

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети одамларнинг, шу жумладан олий лигадаги «Пахтакор» мастерлар футбол командаси бир қанча аъзоларининг ҳалок бўлишига олиб келган авиация фалокати муносабати билан таъзия билдирган партия, совет, касаба союз ва комсомол органларига, спорт ташкилотларига, меҳнат коллективларига, гражданларга чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

ҚУРИЛИШ ПЛАНДА БОРМИ?

Хўжаликни самарали юритайлик

Прораб Г. Иляевнинг ўша ташвишли иш куни жуда кеч тугади. Лекин хотиржам дам олиш унга насиб этмади. Уй олдига машина келиб тўхтади. Уни область ички ишлар бошқармаси бошлиғи А. Муҳаммаднев юборган, прорабни изоҳ олиш учун чақирган эди. А. Муҳаммаднев раҳбарлик қилаётган идоранинг маъмурий биносини қуришда ҳам топшириқни икки баравар ошириб бажаришларини хоҳлайди чамаси, у ўз мақсадига эришадиганга ўхшайди. Чунки объект зарбдорчасига, икки сменада қурилмоқда.

3-қурилиш-монтаж бошқармаси область ижроия комитетининг ўн бир қаватли маъмурий биносини қуришда ҳам топшириқни икки баравар ошириб адо этмоқда. Бундай ютуқлардан қувониш керак эди. Лекин ана шу бошқарма раҳбарлари, бюуртмачилар узоқроқда ёки амали пастроқ бўлган бошқа йигирма тўрт объектда манзара бутунлай бошқача, ҳатто «Кинап» заводи каби муҳим қурилишда ҳам план топшириқлари бажарилмаяпти, ўтган йили фойдаланишга топширилмай қолган стоматология поликлиникаси ҳамон қурилмоқда.

Балки бу коллектив Самарқанддаги энг қолоқ коллективдир, келтирилган фактлар эса афсуслианадиган тасодифдир? Асло бундай эмас. Бирлашма ўтган йили планни умуман бажара олмади, иш ҳозир ҳам яхшиланган йўқ. Бу ерда асосий саноат объекти — суперфосфат заводида қувватлар кечиктириб ишга туширилмоқда. Бошқа бир қанча корхоналарнинг ишга туширилиши хавф остида қолмоқда. Масалан, Красногвардейскдаги комбинатда мавсумда ўн минг тонна узумни қайта ишлайдиган қувватлар август ойининг ўзида ишга тушиши керак, бу қурилишда план эса атиги 64 процент бажарилди. Уй-жой қурилишида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ўтган йили уй-жой қурилиши программасининг фақат ярми бажарилди ва область 20 минг квадрат метр уй-жойни кам олди.

— Албатта, биз ҳали ҳозирча ишнинг яхши ташкил этилганлиги ва юксак ишлаб чиқариш маданияти билан мақтана олмаймиз, — дейди бирлашманинг бош директори Б. Раҳимов. — Лекин, бундан ташқари таъминотдаги узилишлар ҳам ишга путур етказяпти. Металл ва цемент йўқлигидан ишимиз тез-тез тўхтаб қоляпти. Муваффақиятли ишлашга ҳалақит бераётган асосий нарса эса планлаштиришдаги чалкашликлардир. Суперфосфат заводини олиб кўрайлик. Химиклар ишга туширилаётган комплексларда иш ҳажмини йилдан-йилга миллионлаб сўмга камайтирмоқдалар; кейин эса бошқа бюуртмачилар ишини тўхтатиб химикларнинг ишини тезлаштиришга тўғри келмоқда. Мана ҳозир ҳам, деб хулоса қилди директор, ишга туширилаётган объектлар шунчалик тўпланиб қолдики, уларнинг ҳаммасини фойдаланишга топширишимизга кўзим етмайди.

Чиндан ҳам шундай. Лекин бош директор баъзи муҳим томонларига тўхталмади. Ҳақиқатан ҳам суперфосфат заводида иш ҳажмини аниқлашда ҳатога йўл қўйилган эди. Масалан, ўтган йили олтингугурт кислотаси комплексини ишга туширишга 3,5 миллион сўм ажратилган эди. Амалда эса бу комплексни фойдаланишга топшириш учун 10 миллион сўмликдан кўпроқ ҳажмдаги ишни бажаришга тўғри келди. Бошқа иккита комплексни — аммофос ва фосфор кислотаси қувватларини ишга тушириш учун яна салкам 6 миллион сўм етмай қолди.

Химиклар ўз ҳисобларида адашишди. Бу, албатта, бошқа объектларга таъсир қилмай қолмади. Лекин диққатга сазовор бошқа нарса ҳам бор. Ўтган йили бирлашма область ва республика ташкилотлари томонидан белгиланган турли хил қўшимча топшириқларни бажарди. Бу — 4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари эди.

Шунга қарамай, бу йил ҳам бирлашмага яна планга қўшимча 4,5 миллион сўмликдан кўпроқ топшириқ берилди. Уларнинг орасида ақамияти ва заруратига шубҳа бўлмаган объектлар ҳам бор. Ҳозирча қўшимча спорт заллари, қишки кинотеатр бўлмаса ҳам яшаш мумкин эди, еттита маъмурий бино қурилишини ҳам кейинга суриш мумкин бўлар эди, албатта. Ахир бизда хўжалигимиз планли. Агар бирор нарсасиз яшаш жуда қийин бўлиб қолган экан, план органларига бориб, Самарқанд учун маъмурий бинолардан кўра, муҳимроқ объектлар йўқ, деб исботлаб бер. Балки тушунишар. Тушуниб белгиланган тартибга мувофиқ равишда зарур капитал маблағлар планига киритишар.

Маҳаллий ўртоқларимиз эса чамаси бундай тартибга ўрганишмаган экан. Улар айланма йўллардан боришни афзал кўришади, шундай ҳолларда улар давлат планига калтафаҳмлик билан қарашади. Лекин айланма йўллардан бориш ҳамма вақт ҳам яхши бўлавермайди. Давлат интизоми ва хўжаликни юритишнинг социалистик қонунларига келганда эса уларни айланиб ўтишга, амалига ва бу амалда ким ўтирганидан қатъи назар, бизда ҳеч кимга йўл қўйилмайди. Партия бизга шундай деб таълим бермоқда.

Яхши ташаббусни рағбатлантириш керак, албатта. Лекин гап яроқсиз практика ҳақида кетмоқдаки, унинг номи маҳаллийчиликдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қурувчиларга қувватлар ва моддий ресурслар етишмаяпти. Шунга қарамай, уларнинг устига плансиз топшириқлар ёғдириб юборилмоқда. Бунинг устига ана шу топшириқлар асосида қурилаётган объектлар биринчи навбатдаги объектга айлантириб юборилмоқда. Уша Самарқандда маҳаллий бюуртмачиларнинг титул рўйхатлари бўйича олиб борилаётган қурилишларда беш ойлик план 97 процент бажарилган, муҳим халқ хўжалик саноат объектларида: уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, поликлиникалар, касалхоналар ва бошқа объектлар қурилишида эса атиги 81 процент бажарилган.

Яна шуниси қизиқки, область ташкилотлари қурувчиларга қўшимча топшириқлар берадилару, моддий ресурсларни эса жуда кам ажратадилар. Масалан, самарқандликларнинг ҳали ҳам «омади келди»: улар ана шу мақсадлар учун ҳар ҳолда йиллик эҳтиёжнинг 13 процентн миқдорида металл ва 20 процентн миқдорида цемент олишди. Умуман эса тегишли фармойишда министрликлар ва идоралар ўзларига берилган қўшимча топшириқлар бўйича капитал маблағларни уларга «иқтисодий ва социал ривожланиш планларига мувофиқ ажратилган моддий-техника ресурсларидан тежаб-терғаб ва оқилона фойдаланиш ҳисобига ўзлаштиришлари керак». Бироқ ҳамма жойда материаллар етишмай турганида шунча миқдордаги материалларни тежаб қолиш мумкин эмаслиги ҳаммага маълумку. Шу билан бир вақтда республика Госплани қурилиш министрлигига қўшимча топшириқларни бажариш учун металл прокатини эҳтиёжнинг атиги беш процентн, цементнинг 6 процентн, ёғоч-тахта ва шифернинг ўн беш процентн миқдорида ажратди. Линолеум, пардозлаш плиткалари, радиаторлар, нефть битуми ва бошқа бир қанча материалларни эса ваъда қилаётгани ҳам йўқ.

Шундай экан, ўша самарқандлик қурувчилар маъмурий биноларв ва спорт комплекслари қурилиши учун цемент ва металлни «Кинап» заводи, «Гелион» заводи ва бошқа муҳим саноат объектлари қурилиши учун ажратилган запаслардан олишади.

Бошқача қилиб айтганда, давлат планида областда барпо этиш кўзда тутилган объектлар иккинчи навбатга қўйилиб, қўшимча топшириқлар билан белгиланганлари биринчи навбатга ўтмоқда. Ҳар бир истиқболли объектда (бунн қаранг маҳсус термин ҳам ўйлаб топишипти), ўз васийси борлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Агар бундай васий бўлмаса буюртмачилар ички ишлар бошқармаси бошлиғи қилганн каби ўз амали кучини кўрсатади. Шу тариқа ана шу истиқболли деб аталмиш қурилишларга материаллар, ишчи кучлари навбатсиз келаверади.

Бундай практика бошқа республикалар ва областларда ҳам учрамоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзан ҳатто район ташкилотлари министрликлар ва трестларни четлаб ўтиб, бевосита қўшимча топшириқ бермоқдалар. Қурувчиларнинг ўзлари эса бундай кўрсатмаларнинг қонунга хилоф эканлигини яхши тушунсалар ҳам маҳаллий раҳбарлар билан муносабатни бузишни ҳохламай уларнинг устидан шикоят қилиш у ёқда турсин, ҳатто планга киритилмаган ишларни асосий объектлар бўйича топшириқларни ошириб бажариш ниқоби билан пардалашга уринмоқдалар. 13-трестнинг 111-механизациялашган кўчма колоннаси ана шу жиҳатдан характерли мисолдир. Бу колонна Қашқадарё область ижроия комитетининг титул рўйхати бўйича йил давомида Шаҳрисабз райони марказини ободонлаштиришда 30 минг сўмни ўзлаштириши лозим эди. Утган вақт ичида гўё 39 минг сўмни ўзлаштирган эмиш. Аслида эса бевосита мақсад бўйича атиги 3 минг сўмлик иш бажарилди. Қолган ҳаммаси плансиз топшириқлар, ёзги кинотеатр, колхоз бозоридаги гўшт павильони, шаҳар коммунал хўжалиги уй-жойларини ва маҳаллий вино заводи цехларини ремонт қилиш ва бошқа ишлардир.

Шу билан бир вақтда ушбу йилнинг ишга туширилади ган қуввати — Шаҳрисабз пилла чилик фабрикаси паст сортли пиллани қайта ишлаш цехида топшириқ бажарилмай қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори капитал қурилишда план интизомини мустаҳкамлаш, халқ маблағларини авайлаб сарфлаш, тугалланмаган планли объектлар сонини камайтириш мажбуриятини юклайди. Ишончи билан айтиш мумкинки, маҳаллийчиликка панжа орасидан қараш, унга қарши қатъий курош олиб бормаслик — капитал қурилишни яхшиламасдик, аксинча, вақтида тугалланмаган объектлар сонининг ўсишига йўл қўйиш демакдир. Бу эса аввалгидек маблағлар, материал ва меҳнат ресурсларини сочиб юборишга олиб келади.

М. МОРО,
инженер.
Самарқанд области.
(«Правда», 20 август).

Тошкент подшипник-ремонт заводи маҳсулотлари жуда харидоргир. Корхонада тайёрланаётган буюмлар мамлакатимизнинг турли бурчакларига пешма-пеш жўнатилмоқда.

Суратда: заводнинг илғор ишчиларидан бири Фая Тухватуллина. У кунлик топшириқларини 130—140 процентга етказиб бажаришга эришмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

✦ **ФАРҒОНА** химия заводи ишчи-хизматчилари Ҳамза номли колхоз пахтакорларига оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Коллективлар ўртасида тузилган шартнома ҳар йили шараф билан бажарилятти.

Кимёгарлар бу йилги пахта йиғим-терими мавсуми олдидан колхозга юз тоннага яқин минерал ўғитларни етказиб берди. Бу маҳсулотлар тежаб қолинган ҳом ашё ҳисобига тайёрланди. Корхона ҳосил йиғим-терими даврида хўжаликка универсал погрузчик прицепи ва иккита трактор ажратиб беради. Завод ишчиларининг зарбдор бригадаси бу йил ҳам «оқ олтин» далаларида ишлашади.

✦ **ЛЕНИНГРАД** шаҳри темирйўлчиларининг ажойиб ташаббуси — «Вагон — автомашина», «Автомашина — вагон» схемаси «Ангрен» темир йўл станцияси коллективига жуда қўл келяпти. Янги усулда ишлаш туфайли вақт тежалиб, кўплаб юклар манзилга муддатидан олдин етказилятти.

«Ангрен» станцияси ишчи-хизматчилари бўшатган вагонларда қўшимча равишда 13 минг тонна юк ташиш мумкин. Темирйўлчилар бу марраии эгаллаш учун маҳоратларини ишга солмоқдалар.

✦ **ЖИЗЗАХ** областининг тайёрлов пунктларида республикамиз партия ва ҳукуматининг қарорларига жавобан иш қизғин бормоқда. Ҳозир барча тайёрлов пунктларида ремонт ишлари тугалланди. Пахта қабул қилиш пунктларига олиб борувчи йўллар қайтадан асфальт қилинди. Тарози ҳўжалиги, бунт брезентлари тўла-тўкис тартибга солинди. Область бўйича бу йил тайёрлов пунктлари бир вақтнинг ўзида 320 минг тонна пахта қабул қила оладн.

✦ **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** деҳқонлари бу йил республикадан ташқарига 23 минг тонна — пландан деярли 7 тонна кўп қовун юборишга сўз беришган. Куни кеча қорақалпоқ диёрида етиштирилган шириншакар қовунлар Владивостокка жўнатилди. Автоном республика кооператорлари Москва, Ленинград, Челябинск шаҳарлари ва БАМ қурувчиларига ҳам бугун-эрта маҳсулотлар юбориш арафасидалар.

ЭРКАТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Ворошилов район маркази кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Замонавий турар-жой бинолари, мактабгача тарбия муассасалари қад ростлаяпти. Бунда 75-механизациялашган кўчма колоннa бинокорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Коллектив район марказида 624 ўринли мактаб биноси қурилишини ниҳоясига етказиб, катта зафар қучди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Зайнаб Акбирова етакчилигидаги бригада аъзолари қурилишда, айниқса, зўр кўрсаткичларга эришдилар. Ш. Маҳкамов, Р. Юсупов, М. Эргашев сингари ғишт терувчилар, дурадгор И. Николаев иш нормаларини 110—115 процент қилиб бажардилар.

Ҳадемай район марказида болалар боғчаси ҳам фойдаланишга топширилади. Икки қаватли боғчада жажжи ўғил ва қизларнинг тарбиланишлари учун барча шароит яратилади. Бино олдида ўйин майдончалари барпо этиляпти. Бу объектни ҳам юқорида номлари тилга олинган азамат қурувчилар барпо этишмоқда.

М. РАҲИМОВА.

ИЛҒОРЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

ИБРАТ

Илғор тажриба мактабининг навбатдаги машғулоти бу гал ҳам ҳизмат зонасини кенгайтириб ишлашнинг сирлари ва у бераётган самараларга бағишланди. Бу гал машғулотни илғор тўқувчилар Виноградовалар номидаги мукофот лауреати илғор ишчи Любовь Сергеевна Герасимова олиб борди.

Тошкент тўқимачилик комбинати пешқадам ишчисининг улкан корхонанинг кўпминг кишилик коллективи орасида кўпдан бери донг таратиб ишлаб келаётгани кўпчиликка маълум. У ишлаб чиқаришда янгилик сари дадил қадам қўйишда ҳам, илғор иш усулларини ўз участкасида кенг қўлланишда ҳам кўпдан кўп касбдошларига ва шогирдларига ўрнак бўлиб келяпти.

— Ҳар қандай юмушда янгилик сари интилмаган ишчи илдамлаб кетолмайди, — дейди Любовь Сергеевна.

Ҳақиқатан ҳам шундай, бирор манзилга тезроқ етиб боришга интилган ҳар бир киши йўлни қисқа қилиш учун қулай томонларни топишга интилади. Ана шунда мақсад сари қўйилган одим, ҳар доим баракали ва самарали бўлади.

Любовь Сергеевна ҳам олға интилувчи, собитқадам, ижодкор ишчилардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг иши ҳар доим унумли, бошқаларникига нисбатан сербарака бўлади.

Илғор ишчи ўз меҳнати билан ҳар доим ҳамкасбларини, севимли коллективини тез-тез қувонтириб келмоқда. Яқинда у ўз фаолиятида яна бир қувончли воқеанинг юз беришига эришди. Любовь Сергеевна комбинат йигирувчилари орасида биринчи бўлиб 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу комбинатда жуда катта меҳнат кўтаринкилигининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Агар илғор ишчининг беш йиллик бошидан то шу кунгача бажарган ҳизматига разм солсангиз, унинг чиндан ҳам салмоқли эканлигига албатта ишонасиз. Чунончи у ана шу давр мобайнида 184,5 тонна калава ишлаб чиқаришга эришди. Яна шу нарса диққатга сазоворки, жами маҳсулот биринчи сортларга қабул қилинган.

Илғор йигирувчининг юксак профессионал маҳорати янгидан-янги марраларни эгаллашда чинакам қўл келмоқда. Аввало бу унинг келгуси беш йилликка муддатидан барвақт қадам қўйишига имкон берди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева билан биргаликда ҳизмат қилиш зонасини кенгайтириш ташаббускори бўлган эди. Тармоқ нормасида кўзда тутилган 1160 урчуқ ўрнига 2400 урчуқда ишлай бошлади. Любовь Сергеевна меҳнатнинг ғоятда жадал усулларини қўллаб, ана шундай тиғиз график асосида ишлади, топшириқни кун сайин ошириб бажарди.

Моҳир йигирувчи ўз ихтиёридаги машина ва ускуналардан самарали фойдаланиб меҳнат унумдорлигини оширяпти. Бу эса ипларнинг бекор туриб қолишини камайтиради.

Любовь Сергеевна ўз меҳнат фаолиятида қалаванинг сифатига алоҳида эътибор бериб келади. Бу ҳам ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса унинг бракка асло йўл қўймаслиги касбдошларини завқлантиради.

Любовь Сергеевна илғор иш усулларини бошқалар билан бахам кўришни севадиган меҳрибон аёл. Шунинг учун ҳам у кўп станокда ишлаш методининг оташин пропагандисти сифатида комбинатда жуда кўп иш қилмоқда. Тажриба алмашишга бағишланган конференцияларда, илғор тажриба мактаби машғулотларида бир неча бор доклад қилди ва суҳбатлар ўтказди. Унинг изидан бораётган юзлаб шогирдлари бор. Улар мураббий аёлнинг панду насиҳатларини қулоққа олиб, прогрессив иш усулларини ўрганиб, илғорлар сафидан ўрин олмоқдалар. Айниқса, Кэто Иброҳимова ҳамда Светлана Ганиевалар кўп станокда ишлаш усулини муваффақиятли эгаллаб олдилар. Ўлар 1600 урчуққа хизмат кўрсатиб, кунлик меҳнатда юқори иш унумига эришмоқдалар. Бу эса Любовь Сергеевнани чин кўнгилдан хушнуд этмоқда.

Ҳозирги кунда комбинатда йигирувчи хотин-қизларнинг деярли 90 процентн Любовь Сергеевнадан ва бошқа пешқадам ишчилардан ибрат олиб белгиланган кўпроқ миқдордаги урчуқларда бемалол ишламоқдалар. Бу эса йил бошидан буён планга қўшимча равишда 335 тонна калава ишлаб чиқариш имконини берди. Бу миқдордаги хом ашё 450 минг метр газлама тўқиш учун етарлидир. Шу кунларда илғор йигирувчи тағин ҳам зўр ғайрат ва матонат билан меҳнат қилмоқда. У 1983 йил топшириғини СССР Конституцияси байрами кунигача тўла адо этиш учун астойдил ишлаяпти. Шогирдлари эса ўз мураббийларига эргашиб, янгиданянги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Я. ТУХТАЕВ.

ХЎЖАЛИКНИ ЮРИТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРА БОРИБ

ПЛАНЛАШТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАЙЛИК

Ривожланган социализм экономикаси қудратли ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалига таянади. Сўнгги уч беш йиллик давомида миллий даромад икки баравардан знёдроқ кўпайди. Бу — партиянинг илмий жиҳатдан асосланган иқтисодий сиёсати натижасидир. Бу сиёсат КПСС Марказий Комитети октябрь (1964 йил) Пленумидан сўнг ишлаб чиқилган бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш билан амалга оширилмоқда ҳамда социалистик хўжаликнинг планли системаси, совет жамияти бунёдкорлик кучларининг афзаллигини ишончли тарзда намойиш қилмоқда.

Етук социализмнинг кенг кўламдаги экономикаси шароитида хўжаликни юритишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари партия XXV съездида, КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида белгилаб берилди. Шунга мувофиқ равишда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарор экономикага планли раҳбарлик қилишни янада такомиллаштириш ва кучайтиришга, бошқаришда демократик асосларни ҳамда меҳнат коллективлари ижодий ташаббускорлигини ривожлантиришга қаратилган.

I.

Бизнинг проблемаларимиз — ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш негизида иқтисодий жиҳатдан янада ўсиш проблемаларидир. Янги қўламлар ҳамда экономика ривожининг шароитлари ишлаб чиқаришнинг структурасига ва техника даражасига, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишга, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланишга янги юксакроқ талаблар қўймоқда. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари кўп жиҳатдан янги техника ва сарфланган капитал маблағлар самарадорлиги даражаси етарли эмаслиги, ишлаб чиқаришимизнинг кўп материал талаб қилиши билан чегараланиб қолмоқда. Планларни баланслаштиришдаги қийинчиликлар ҳам шу билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда ёқилғи-энергетика ресурсларини, қора ва рангли металларни ҳар томонлама тежаш, ишлаб чиқариш ва капитал қурилишда кўп фонд ва меҳнат талаб қилинишини камайтириш проблемаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик план ва ундан кейинги истиқбол бўйича асосий ишларни худди шу проблемалар доирасида олиб бормоқдамиз. Пирик проблемалар истиқболни муntазам ва чуқур билишни талаб қилади ва йирик иқтисодий ёки илмий-техникавий манёврларни ана шу истиқбол доирасидагина реал равишда амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам перспектив планлаштиришни янада такомиллаштириш, планларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ системасини ишлаб чиқиш ва беш йиллик планни халқ хўжалигини ҳамда ҳар бир корхона фаолиятини планлаштиришнинг асосий формасига айлантириш тўғрисидаги масала қарорда асосий ўрин тутади.

Беш йиллик план ҳақиқатан ҳам корхоналар, бирлашмалар ва министрликлар хўжалик фаолиятининг негизига айланмоқда. Нима учун шундай бўлмоқда? Беш йиллик план бундан буён узоқ муддатларга мўлжалланган хўжалик алоқалари ва шартномаларига асосланади. Бу эса барқарор иқтисодий нормалар ва нормативларни талаб қилади. Биринчи марта беш йиллик планнинг бажарилишини ҳамма босқичларда беш йилликнинг дастлабки давридан бошлаб ўсиб борадиган якунларга қараб баҳо бериш вазифаси қўйилятти.

Беш йиллик ва йиллик планларнинг ўзаро боғлиқлиги янги талаблар қўймоқда. Бунинг устига йиллик планлар алоҳида белгилаб қўйиладиган топшириқлар билан эмас, балки ҳар бир йил учун берилган топшириқлар ва иқтисодий нормативларга қараб уларни зарур даражада конкретлаштириш ва тадбирлар ишлаб чиқиш шарти билан тузилади. Шу нарса муҳимки, йиллик планларни тузиш қўйидан — социалистик мусобақа, муқобил планлаштириш очиб берадиган резервларни қидириш асосида корхоналарда ва бирлашмаларда тузишдан бошланади.

План лойиҳаларини асослаш вақтида министрликларнинг иқтисодий ва инженерлик ҳисобларидан, ҳар бир бирлашма ва корхона паспортларида қувватларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражаси, ускуналар смена коэффициентининг ўсиши, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш юзасидан белгиланган чоралар тўғрисидаги маълумотлар бўлишини кўзда тутмоқ керак.

Қарорда беш йиллик план таркибида моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари балансларини, ишлаб чиқариш қувватлари, аҳолининг даромадлари ва харажатлари балансларини ишлаб чиқиш, планлаштиришнинг балансли ва норматив методларини янада ривожлантириш кўзда тутилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз ишлаб чиқариш планининг, айниқса, тайёр буюмлар ва уларга зарур бўладиган деталлар ишлаб чиқаришнинг баланслаштирилмаганлиги фактларига дуч келмоқдамиз. Маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бу маҳсулотни истеъмол қиладиган корхоналар ўртасида беш йиллик хўжалик шартномалари тузиш асосида ҳар бир бирлашма ва корхона даражасида планларнинг моддий ресурсларга мувофиқ бўлишига эришмоқ керак.

Қарорда бевосита хўжалик алоқаларини, шартнома муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналар ва қурилиш ташкилотларини гарантияланган таъминотининг прогрессив формаларини ривожлантириш, халқ истеъмоли товарлари билан савдо қиладиган фирма магазинлари тармоғини ривожлантириш, улгуржи ярмаркалар ташкил этишни яхшилаш, план ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш тадбирлари системаси кўзда тутилган.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ишлаб чиқилаётган давлат планлари муқимлигини таъминлаш учун биз моддий резервларни вужудга келтиришимиз лозим. Бу эса балансларни шакллантиришда, резервлар ҳосил қилиш манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини аниқлашда принципиал ўзгаришларни талаб қилади.

Биз планларда, нормалар ва нормативларда янги техника, технология ва бошқа тадбирлар самарасини ифодалашнинг самарали методларини топишимизга тўғри келади. Янги машиналар ва станоклар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш плани ҳозирча бир-икки бирлик миқдордаги кўпгина топшириқларни ўз ичига олади. Халқ хўжалигига янги станокларнинг ҳаммаси бўлиб қанча керак ва уларга бўлган эҳтиёж қачон қондирилади, бундай ускуналарни ишлаб чиқишдан уларни ўзлаштириш ва тармоқларни бундай ускуналар билан тўла таъминлашга қадар неча йил ўтади? Ҳозирча бундай масалалар тарқоқ ҳолда ҳал этилмоқда.

Энг муҳими шундаки, меҳнатни, моддий ресурсларни тежашга фондлар самарасини оширишга ҳамда сифат жиҳатидан янги қувватларни кўпайтиришга имкон берадиган техника тараққиётини ўстириш проблемасини айрим намуналарни ўзлаштириш билан эмас, балки ишлаб чиқариш тармоқларини янги техника билан тўла таъминлаш, унинг техник даражасини амалда ошириш билангина реал равишда ҳал этиш мумкин. Бунинг учун янги техникани ўзлаштириш ва жорий этиш топшириқларини ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш планининг таркибий қисмига айлантириш керак.

Фан-техника тараққиётини бошқаришнинг ҳамма босқичларида программ планлаштиришни кенгайтириш каттагина роль ўйнайди. Программаларнинг халқ хўжалиги тармоқларида зарур ишлаб чиқариш потенциалини вужудга келтириш ва бу тармоқларни янги техника ва технология билан, машиналар системалари билан тўла таъминлашга қаратиш, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техника даражаси оширишга қаратиш муҳимдир. Ишга шу тариқа ёндашишнинг маъноси шундаки, ишлаб чиқариш плани ҳам, капитал қурилиш плани ҳам фан-техника тараққиёти планига асосланиши, унинг давоми бўлиб қолиши, маҳсулотларда ҳам асосий фондларда моддийлашуви бўлиб қолмоғи керак.

Қарорда ҳозир ва кейинги йилларда ишлаб чиқариладиган машиналар, ускуналар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа техниканинг техник даражасини дастлабки баҳолашни ўтказиш кўзда тутилади. СССР давлат стандарти тармоқларда маҳсулот сифатини давлат аттестациясидан ўтказишни янада ривожлантиришни, техник аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ва халқ истеъмол товарларини, уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҳом ашё, материаллар, комплектлаш буюмлари билан биргаликда стандартлаштиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқишни мунтазам назорат қилиб бориши керак. Эскириб қолган стандартларни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш, маҳсулот сифатини назорат қилишнинг янги формаларини топиш ва назоратни ташкил этишни яхшилаш муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот сифатини комплекс бошқаришни янада самаралироқ амалга ошириш имконини беради.

Маҳсулот ҳажми ялпи қиммати кўрсаткичларининг салбий томонларини бартараф этиш учун қиймат кўрсаткичлари системасида ва аввало меҳнатни, иш ҳақини планлаштиришда, миллий даромадни ўстиришда ҳар бир корхонанинг улушини аниқлашда соф (норматив) маҳсулот роли оширилмоқда. Соф маҳсулот — бу, муайян планли даврда янгидан яратилган маҳсулот бўлиб, корхона коллективларининг меҳнат сарфини характерлаб беради. Унда материалларга, комплектлаш буюмларига ва хизматга сарфланган бошқалар меҳнати қиймати ҳисобга олинмайди. Янги улгуржи баҳоларни ишлаб чиқишда уларда соф маҳсулот нормативи алоҳида ажралиб туради. Бу кўрсаткич кўп материал талаб қиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳсулот ҳажмида бошқалар меҳнатини кўпайтиришдан фойда олишга имкон бермайди. Номенклатурани танлашда буюмлар рентабеллиги ҳар хиллигининг корхоналар манфаатига таъсири сезиларли даражада камаяди. Янги техниканн ишлаб чиқариш, буюмларнинг болаларбоп хилларини, запас қисмларни ишлаб чиқариш фойдали бўлиб қолади ва кўрсаткичларнинг ёмонлашиб кетишига олиб келмайди. Оғир ва транспорт машинасозлигида, шунингдек, энергетика машинасозлигида ва бошқа бир қанча тармоқлардаги тажриба худди шуни тасдиқламоқда.

Ҳозирги вақтда саноатда соф маҳсулотни ишлаб чиқиш ва қўлланиш бўйича методик кўрсатмалар чиқаришни, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системасида бу кўрсаткични қайси тармоқларда ва қайси муддатларда қўлланишни таъминлашни аниқлаш учун чоралар кўрилмоқда. Тузилган шартномалар ва буюртма-нарядларга мувофиқ равишда маҳсулот етказиб бериш топшириқлари бажарилишини баҳолаш учун реализация қилинадиган маҳсулот кўрсаткичи министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар томонидан тасдиқланади. Бу кўрсаткич бирлашма (корхона) ишининг пировард натижасини, унинг истеъмолчи олдидаги мажбуриятини қандай бажарганини характерлаб беради. Иш якунларини баҳолаш ва иқтисодий рағбатлантириш вақтида номенклатурадаги (ассортиментдаги) маҳсулотни етказиб бериш топшириғини бажармаслик — маҳсулот реализация қилиш планини бажармаслик, деган маънони билдиради ва шунга мувофиқ равишда рағбатлантириш фонди маблағлари камайтирилади. Шу йўл билан ҳажмнинг қиймат кўрсаткичининг корхона фаолиятига салбий таъсири сусаяди, чунки эндиликда рентабеллиги юқорироқ ёки қиммат маҳсулот ишлаб чиқариш билан «пул топиш» мумкин эмас.

Қарорда металлургия, машинасозлик ва бошқа тармоқларда машиналар, ускуналар, материаллар ва бошқа маҳсулотларнинг самаралилиги, иш унуми, сифати, бошқа истеъмол хусусиятларини аниқлашнинг замонавий методларини кенг қўлланиш асосида натурал ўлчовларни такомиллаштириш чоралари кўзда тутилади. Ускуналар ишлаб чиқаришни кенгайтирилган номенклатурада планлаштириш кўзда тутилмоқда. Буни 1980 йил планидаёқ корхоналарда ўрнатиш керак.

II.

Қабул қилинган қарорда капитал қурилишни яхшилаш масаласига катта эътибор берилган. Бу тасодифий эмас. КПСС XXV съездида ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пле-

XI халқаро кинофестивалда

ОДАМЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

«Халқларнинг манфаатини кўзлаб қилинган жасорат қалбларимизда сўнмас таассурот қолдирди. Биз сизларга XI Халқаро кинофестивалнинг интернационал орбитасидан самимий салом йўллаймиз». Фестиваль қатнашчилари тарихда энг узоқ давом этган ва киши бошқарган учишни ниҳоясига етказган совет космонавтлари Владимир Ляхов ва Валерий Рюминга ана шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар.

Кино арбоблари космонавтларга йўлланган мактубда қаҳрамонларни табриклайдилар, тинчлик, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига қўшган бебаҳо ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирадилар. Кинематографиячилар ана шу олижаноб ғоялар прогрессив кино санъатининг асарларига хос хусусият эканлигини таъкидлайдилар.

Жонажон планетадаги инсон, унинг орзу-умидлари ва юмушлари, бахт-саодат учун кураш — фестиваль экранининг марказидадир. Бугунги кунда Москва кино кўригининг ғоят инсонпарвар шиори билан бирлашган Ҳиндистон ва Жазоир, Польша ва Бельгия, Нигерия ва Куба усталари ҳозирги замоннинг ижтимоий ҳодисаларини меҳнат аҳлига чуқур хайрихоҳлик билан тадқиқ этмоқдалар. 22 август куни Москва кино кўригининг экрани совет кинематографчиларига — «Фаластинликлар: яшаш ҳуқуқи» номли ҳужжатли лентанинг авторларига сўз берди.

— Картина устида ишлаётган вақтимизда биз мард, матонатли кишилар билан учрашдик, — дейди конкурсга қўйилган шу фильмнинг режиссери В. Копалин. — Адолатли мақсад йўлида, Ватан йўлида қулга қурол олган халқ ҳақиқатан ҳам енгилмас эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Биз ана шу фидокорона курашни бутун дунёдаги тараққийпарвар кучлар ва биринчи навбатда интернационал бирдамлик позицияларида қаттиқ турган Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Совет кино усталарининг ҳужжатли камераси ҳар хил қиёфадаги кишиларни кўрсатади. Конкурсга қўйилган лента қаҳрамони Григорий Малинко Улуғ Ватан уруши алангасидан ўтган. Жароҳатланган бўлсада, лекин руҳи тушмади. Тақдири афсоналардагига ўхшаб кетадиган бу киши ўзида катта спортга қайтиш учун куч топиб, уч марта мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўла олди. Эндиликда у ёш ўринбосарларни тарбияламоқда.

Инсоннинг жасорати кўп қиррали бўлгани каби уни экранда мужассамлаштириш ҳам шу қадар хилма-хилдир. Жуда катта нефть ўлкасининг қиёфасини ўзгартираётган совет кишилари бунёдкорлик меҳнатининг кўламини кўрсатувчи «Сибирнинг тортиш кучи» фильмининг авторлари ҳозирги замон кино тилининг ҳамма воситаларидан фойдаландилар.

Қардош социализм мамлакатларининг экран усталари ҳам ўз олдиларига худди шундай мақсадларни қўймоқдалар.

— Замондошларимизнинг ички дунёсини, фан-техника революцияси асрининг кишиларини кўрсатиш — менинг учун асосий вазифадир, — деди чехословак режиссёри Яромил Иреш. Унинг «Йигит ва оқ ит» фильми худди шу куни конкурс экранида намойиш қилинди.

— Мен ўзимнинг ҳамма ленталаримни меҳнат аҳли мавзуига бағишладим. Ана шу ленталар кишиларга ҳаётда актив позицияни шакллантиришга ёрдам беришини, принципиаллик, муросасизликка ўргатишини истардим. Кўпгина совет киноусталарининг замон ва томошабин олдидаги масъулият ҳисси билан суғорилган ижодиёти мен учун ана шундай ҳалол санъат намунаси бўлиб хизмат қилади. Михаил Роммни ўзимнинг қалин дўстим ва мураббийим деб ҳисоблайман. Сизларнинг ажойиб пойтахтингизга зўр мамнуният билан келаман. Янги қурилишларда, корхоналарда бўламан. Совет ишчилари билан учрашувлар мен учун айниқса муҳимдир — бу учрашувлар ўз ишига меҳр қўйган, ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайинлари бўлган, техникавий жиҳатдан маълумотли кишилар билан танишиш имконини беради. «Шкода» машиналарини чиқарувчи бизнинг корхонамиз билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома орқали боғланган Ленин комсомоли номли автомобиль заводи коллективини ана шундай коллектив деб биламан.

Бангладеш ва Канада кинематографчилари ҳам конкурс программасига қўшилдилар. Ёш томошабинлар Куба, Руминия, Ҳиндистон, ГФР фильмлари билан танишдилар.

Ҳамиша бўлганидек, байрамнинг маданий тадбирлар программаси жуда катта. Фестиваль меҳмонларини пойтахт билан таништиришни давом эттириб, «Бородино жанги» панорама-музейига ва Москва яқинидаги Архангельское қишлоғига бошлаб борди.

Шу куни Горкига, Ленин ҳузурига сафар қилган кишилар тантанавор, юксак ҳис-туйғулар билан тўлиб тошдилар. Улар номи Ер юзида Октябрь даврининг, кураш, эркинлик, адолатнинг рамзи бўлиб қолган инсоннинг буюк ҳаётини қалблари билан ҳис этдилар.

Л. БЕРНАСКОНИ,
Е. ХОРЕВА,
ТАСС мухбирлари.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ФАХРЛАНМОҚДАЛАР ВА ҚОЙИЛ ҚОЛМОҚДАЛАР

В. Ляхов билан В. Рюмин космосда муваффақиятли амалга оширган тарихда энг узоқ — 175 кунлик учиш чет эл оммавий ахборот воситалари, йирик олимлари ва мутахассисларининг диққат марказида турибди. Совет космонавтикасининг катта ютуғи киши бошқарадиган ва узоқ вақт ишлайдиган космик илмий лабораторияларни янада такомиллаштириш йўлидаги янги муҳим қадам, совет экономикаси, фани ва техникаси илғор позицияларининг яна бир ажойиб далили бўлиб қолди.

Болгариянинг **«Работническо дело»** газетаси «Космик жасорат» деб сарлавҳа қўйилган мақоласида таъкидлайдики, совет космонавтларининг Ер атрофи орбитасидаги иши космик фан ва медицинага жуда кўп қимматли маълумотлар берди. Олинган натижалар Совет Иттифоқининг космик фазони тинчлик мақсадларида бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш улкан манзарасини тўлдиради.

Коинот бағрида энг узоқ учиш, деб ёзади газета, қардош социалистик давлатлар ўзаро манфаатли қалин ҳамкорлигининг янги бир ифодасидир. СССР «Интеркосмос» программаси доирасида қардош мамлакатларнинг олимларига космосни тинчлик мақсадларида эгаллашда қатнашиш имкониятини берди. Шу кунларда фан ва техникани, халқ хўжалигини ривожлантириш учун космонавтиканинг катта аҳамияти шубҳасиз бўлиб қолди.

Америка авиацион ва космик медицина уюшмасининг вице-президенти доктор **Руфас Хессберг** В. Ляхов билан В. Рюмининнинг учишини «ниҳоятда катта ютуқ» деб атади. Бунда совет олимларининг хизматлари алоҳида: улар қарийб ярим йил давом қилган шу катта космик эксперимент муваффақиятли чиқиши учун жуда кўп ишлар қилдилар. Одамнинг космик фазони ўзлаштириши йўлида янги бир муҳим поғона қўйилди. Мен совет олимлари ва мутахассисларининг тарихий муваффақиятларига таъзим қиламан, деди Р. Хессберг.

Узоқ учишларда одам организмининг нормал яшашини таъминлаш зарурати муносабати билан космик фан ва техника олдида киши бошқарадиган космик учишлар соҳасида жиддий проблемалар турибди, — деди АҚШ давлат аэронавтика ва космос музейининг директори, доктор **Ноэль Химмерс**. — Совет космонавтларининг Ер атрофи орбитасида 175 сутка бўлганликлари жуда яхши ютуқ бўлиб, космик фазони ўзлаштиришда одамнинг имкониятлари катта эканлигидан далолат беради. СССР узоқ вақт ишлайдиган ва киши бошқарадиган илмий станцияларни янада такомиллаштириш ишида олдинга қараб катта қадам ташлади.

Ғарбий Германиянинг **«Кельнер штадт-ан цайгер»** газетаси таъкидлайдики, В. Ляхов билан В. Рюмин орбитада бўлган пайтларида мўлжалланган илмий-техникавий ва медицина биологик тадқиқотлар ва экспериментлар катта программасининг ҳаммасини бажардилар. Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш мақсадида кўп ишлар бажарилди.

(ТАСС).

БМТ комитетининг мажлиси

НЬЮ-ЙОРК. **Фаластин халқининг дахлсиз ҳуқуқларини амалга ошириш масаласи билан шуғулланувчи БМТ комитетининг мажлиси бўлди.**

Мажлис давомида Фаластин проблемасини адолатли равишда ҳал этиш — Яқин Шарқ можаросини мустаҳкам ва кенг кўламда бартараф қилишнинг асосий қисмларидан бири эканлигига қатъий ишонч билдирилди. Комитет аъзолари Исроилнинг босиб олинган араб территорияларида ўз ҳукмронлигини абадий сақлаб қолишга қаратилган сиёсатини, шунингдек, Фаластин қаршилик ҳаракатини ҳар қандай йўл билан тор-мор келтиришга интилаётган империализм ва сионизм кучларининг найрангларини қораладилар. Комитет раиси М. Фаль (Сенегал) мажлисда сўзлаган нутқида халқаро ҳамжамият Фаластин араб халқининг ўз дахлсиз ҳуқуқлари учун олиб бораётган мардона курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаши зарур, деб таъкидлади.

Фаластин проблемасини, Фаластин халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини, шу жумладан, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини таъминлаш асосида адолатли ҳал этмай туриб, деб уқтириб ўтди у, Яқин Шарқда реал тинчликка эришиб бўлмайди. М. Фаль Қўшма Штатларнинг позициясини танқид қилди. Қўшма Штатлар халқаро ҳамдўстликнинг талабларини инобатга олмай, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини тан олишдан ҳануз бош тортмоқда.

Комитет аъзолари докладни ҳам муҳокама қилиб, тасдиқладилар. Бу доклад БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фаластинликлар ҳуқуқлари тўғрисидаги масала юзасидан ўтказиладиган мажлисига топширилади. **(ТАСС).**

ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ТАШКИЛОТИ БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТИШ УЧУН

АҚШда негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг таниқли арбоби, «инсониятни қутқазиш учун курашувчи бирлашган халқ» жамоат ташкилотининг раҳбари Жесси Жексон Америка ҳукуматига мурожаат қилиб, Фаластин Озодлик ташкилоти билан алоқа ўрнатиш учун зарур чоралар кўришга чақирди. У Мичиган университетида журналистлар ҳузурида сўзлаган нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундай алоқа ўрнатиш учун энг мақбул жой бўлур эди, деб таъкидлади.

(ТАСС).

ҚИММАТЧИЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

Ирландияда қимматчилик ғоят тез суръатлар билан авж олмоқда. Уй-рўзғорда фойдаланиладиган газ ҳақи 11 процент ошганлиги эълон қилинди. Нон маҳсулотлари ва болалар овқати ўрта ҳисобда 6 процент қимматлашди.

Шу йилнинг ўзидагина Ирландияда нефть маҳсулотларининг нархи қарийб 40 процент, почта юбориш, телефон орқали гаплашиш ҳақи, электр энергиядан фойдаланиш ва жамоат транспортида қатнов ҳақи 20 процент кўпайди.

(ТАСС).

СУВ ТАНҚИСЛИГИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Саудия Арабистони катта нефть запасларига эга бўлиб, дунёда жуда кўп нефть экспорт қилувчи давлатлардан ҳисобланади. Аммо бу мамлакатда оддий ичимлик сув масаласи анча ёмон аҳволда бўлиб, бу ҳол Саудия маъмурлари олдига бир қанча ғоят жиддий иқтисодий муаммоларни қўймоқда.

Деҳқончиликда сув танқислиги айниқса сезиларлидир. Ҳозирга қадар Саудия туб аҳолисининг учдан икки қисмига яқини деҳқончилик билан шуғулланади. Мамлакатда доимо оқиб турадиган дарёлар йўқлигидан барча ишланадиган ерларнинг 80 проценти ёмғир ҳисобигагина суғорилади. Мамлакатнинг кўп қисмида чўл иқлими бўлганлигидан бир йилда ёғадиган ёғин миқдори жуда оз — одатда 100—200 миллиметрдан ошмайди. Бу эса экин ҳосилдорлигига таъсир қилади, албатта.

Саудия ҳукумати мамлакатни чучук сув билан таъминлаш проблемасини ҳал этувчи мақбул йўлларни излашга анча йиллар сарфлади. Деҳқончиликдан ташқари, кўпгина шаҳарлар, саноат корхоналари ҳам сувга ғоятда муҳтож. Антарктидадан улкан айсбергларни Саудия Арабистони соҳилига тортиб келтириш имкониятини узоқ вақт ўрганиб чиқилди, лекин қимматга тушиши сабабидан шу режалардан ҳам воз кечилди. Пировард натижада, ҳукумат денгиз сувини чучуклаштирадиган корхоналар қуришга асосий эътибор бера бошлади. Жидда, Арриёд шаҳарлари ва бошқа катта-катта шаҳарларнинг яқинида ниҳоятда қимматга тушадиган, лекин умуман ғоятда самарали бир неча шундай корхона қурилди. Бир қанча жойларда эса ёғин сувларини йиғадиган тўғонлар ва омборлар ҳам қурилмоқда. Бунинг устига Судандаги Нил сувини Қизил денгиз орқали Саудия Арабистонига келтирувчи қувур ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Саудия томони сув ҳақи учун Суданга нефть беради. Шундай қилиб, у нефтга сув алиштириб олади.

ТЎЛА МАЪҚУЛЛАНДИ

БУХАРЕСТ, 22 август. (ТАСС). РКП Марказий Комитетининг Сиёсий ижроия комитети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев билан РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску ўртасида Қримда олиб борилган музокараларнинг якунларини тўла-тўкис маъқуллади.

Ажерпресс агентлигининг хабар беришича, Сиёсий ижроия комитет олий даражадаги ана шу янги учрашувдан тўла мамнун эканлигини изҳор этиб, бу учрашув ҳар икки партия ва давлат ўртасидаги яхши муносабатларни ривожлантиршига ғоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлигини таъкидлади.

Яқинда Қримда бўлиб ўтган учрашув, деб уқтиради Сиёсий ижроия комитет, РКП ва КПСС, ҳар икки мамлакат сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда, ишлаб чиқаришни кооперативлаш соҳасида ва бошқа соҳаларда дўстлик ҳамда ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун бундан буён изчиллик билан кураш олиб боришга қатъий аҳд қилганлигини яна бир бор тасдиқлади.

ИККИ ДУНЁ — ИККИ БОЛАЛИК

Колумбиядаги уч ярим миллиондан ошиқ болаларнинг аҳволи жуда аянчли, улар ота-оналарига ёрдам бериш учун эртадан-кечгача ишлашга мажбур бўлмоқдалар. СУРАТДА: — Мен ўқишни истардим, лекин ота-онамга ёрдам бериш учун ишлашим керак, — дейди мамлакат қишлоқларидан бирида яшовчи Альваро.

ТАСС фотохроникаси.

ЭРОН КУРДИСТОНИДАГИ АҲВОЛ

ТЕҲРОН, 22 август. (ТАСС). Кейинги вақтларда ҳукумат қўшинлари билан курдларга автономия берилишини талаб қилаётган курд исёнчилари ўртасида жанглар бўлаётган Эрон Курдистонида аҳвол кескин бўлиб турибди.

Ҳукумат қўшинлари Паве шаҳрини ишғол этиб, Сенендеж шаҳрига армиянинг қўшимча қисмлари киритилганидан сўнг маъмурлар мамлакатнинг ғарбидаги шу районда осойишталик тиклланганлигини эълон қилдилар. Аммо бугун Теҳрон радиоси қўшинлар ва «инқилоб посбонлари»га курд отрядлари яна қуролли қаршилик кўрсатганликларини маълум қилди. Иккала томондан ҳам ўлдирилган ва жароҳатланганлар бор. Парс агентлигининг маълумотларига кўра, Миандоаб шаҳри яқинида тўқнашувлар юз берган. Меҳобод шаҳридаги аҳвол ҳам бетинч. Хабар қилинишича, яқинда тақиқланган курд демократик партиясининг тарафдорлари шу шаҳарда турибдилар.

«Иттилоат» газетаси ёзадики, Сенендежда ҳукумат қўшинлари курдларнинг маҳаллий аэропортга қилган ҳужумини даф этганлар. Исёнчиларга қурол-яроғ берган ҳарбий хизматчилар, шунингдек турли сиёсий партияларнинг аъзолари бўлмиш юзга яқин киши ҳам қамоққа олинган.

Мамлакатнинг ғарбий вилоятларида аҳвол кескинлашганлиги муносабати билан резервчилар Эрон армиясига сафарбар этилажаги эълон қилинди. Радио орқали қурол-яроғ тутишни биладиган ва ҳарбий хизматни ўтаган ҳамма кишиларга мурожаат этилиб, армияга, «революция посбонлари» ва жандармерияга қўшилиш даъват этилди.

нумларида қайд қилинганидек, капитал маблағларнинг ва бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини камайтиришга сабаб бўлаётган жиддий камчиликларга ҳамон йўл қўйиб келинмоқда. Қурилишнинг ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга туширишнинг норматив ва план муддатлари бузилмоқда, маблағлар ва ресурслар кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилмоқда, ниҳоясига етказилмаган ишлар ҳажми ошиб кетмоқда. Бундай бўлишига сабаб нима? Бу кўп жиҳатдан шунга боғлиқки, қурилиш министрликларининг фаолиятига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичи бўлиб, бажарилган ишларнинг ялпи ҳажмига хизмат қилмоқда. Тўла битказилган объектлар учун буюртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг прогрессив формаси эса жуда сустлик билан жорий этилмоқда.

Эндиликда бу камчиликларни бартараф этишга қаратилган чоралар системаси белгилаб берилди. Планлаштиришда, эришилган натижаларга ва рағбатлантиришга баҳо беришда асосий фондлар, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш кўрсаткичининг роли кучаймоқда. Қурилиш-монтаж ташкилотларида объектларни ишга тушириш ва товар қурилиш маҳсулоти ҳажмининг кўрсаткичлари биринчи ўринга қўйилмоқда.

Беш йилга мўлжалланган ва йиллик планларда қайта кўриб чиқилмаслиги керак бўлган давлат капитал маблағлари ва қурилиш-монтаж ишлари лимитининг тасдиқланиши янгиликдир. Капитал маблағлар ҳажми ўрнига лимитни тасдиқлаш ишнинг аҳволини жиддий ўзгартиради. Лимит ресурс кўрсаткичи бўлиб, у планда белгиланган тайёр корхоналар, қувватлар, объектларни ишга тушириш ва норматив заделларни вужудга келтиришга сарфланадиган харажатларнинг энг катта ҳажмини кўрсатади. Бунда бажарилган ишлар ҳажми ҳисобига ресурсларни тежаш бош мезон ҳисобланади.

Беш йиллик мобайнида капитал маблағлар планининг муҳимлигини таъминлаш — мураккаб проблема. Уни ҳал қилиш қурилиш ва лойиҳа-қидирув ташкилотларининг план ишларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Ўн биринчи беш йилликдан бошлаб материаллар, асбоб-ускуналар ресурслари билан, моддий ва молия ресурслари билан баланслаштирилган муҳим беш йиллик планлари ишлаб чиқила бошлаши, зарур резервлар яратила бошлаши керак.

Капитал маблағларни, материаллар ва ресурсларни энг янги техника ва технология базасида мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини реконструкция қилишга ва техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга дадиллик билан сарфламоқ керак. Шу билан бир вақтда энг кўп капитал маблағларнинг ҳақиқатан ҳам прогрессив нормаларини, янги корхоналар, объектлар, қувватлар қурилиши, уларни ишга туширишга ва ўзлаштириш муддатларини тайёрлаб қўймоқ керак. Бунда янги қурилишни ва мавжуд корхоналарни кенгайтиришни яратиб бўлинган қувватлардан тўла фойдаланиш шарти билан чеклаб қўйиш муҳимдир. Шуни ҳисобга олиб, беш йиллик планлар таркибида реконструкция қилиниши ва кенгайтирилиши лозим бўлган янги қурилишлар ва корхоналарнинг рўйхати жуда катта масъулият билан тасдиқланиши керак.

Эндиликда ишлаб чиқаришни ва асосий технологик асбоб-ускуналарни етказиб беришни планлаштириш капитал маблағларга молия ажратиш йиллик план билан чеклаб қўйилмайди, балки корхона, объект, ишга тушириладиган комплекс тўла ишга туширилгангача бўлган бутун даврга мўлжаллаб кўзда тутилади. Банкларнинг кредити маблағ ажратишнинг асосий формаси бўлиб қолади. Шу мақсадларда оралиқ тўловларисиз ҳисоб-китобларга ўтилиши муносабати билан буюртмачилардан бўшайдиган маблағлардан фойдаланилади. Бир қанча республикаларда капитал қурилишни планлаштириш ва ташкил этишни яхшилашга бундай комплекс ёндашиш борасида бир мунча тажриба тўпланди. Биз ўн биринчи беш йилликда қурилиш ва монтаж ташкилотлари ҳамда қурилиш министрликларининг янги кўрсаткичлари ва иш шароитларини муваффақиятли қўллаш учун зарур бўлган ҳамма методик ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаб қўйишимиз керак.

Капитал маблағларнинг ҳар бир сўмини фақат қувватларнинг ўсганига қараб эмас, балки ишлаб чиқаришнинг техника даражасини оширишда берган самарасига қараб баҳолаш керак. Биз 1980 йилга белгиланган план лойиҳасида мавжуд корхоналарни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга ажратиладиган капитал маблағларнинг ҳиссасини анча ошира олдик. Вазифа бу планнинг, албатта, бажарилишига эришишдан иборат, токи ўн биринчи беш йилликда бу ҳисса янада ошиб борсин.

Ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар чиқарувчи янги қувватларни яратишга йўл қўймаслик керак. Янги корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш, эскиларини реконструкция қилиш ишлаб чиқаришнинг юқори самарали технологияси ва янгидан ишга тушириладиган қувватларда ўзининг техника даражаси ва сифатига кўра Ватанимиздаги ва чет элларда энг яхши намуналарга мос келадиган ва улардан ҳам ошиб кетадиган маҳсулотлар чиқаришни таъминлайдиган юқори самарали энг янги техникани қўллаш асосида амалга оширилиши керак.

Мамлакатнинг ҳамма регионларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш тармоқ ва территориал планлаштиришни қўшиб олиб боришнинг янги формаларини топишни талаб қилади. Бунинг учун экономикани планли бошқаришнинг кўпроқ территориал органлар компетенциясига кирадиган жиҳатларини белгилаш муҳимдир.

Эндиликда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Госпланига Иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналар планларининг лойиҳалари бўйича ўз таклифларини тақдим этадилар. Шунинг учун бу планлар ўз вақтида ва чуқур куриб чиқилишини ташкил этиш зарурдир. Планлаштиришда ишлаб чиқаришнинг территориал балансларини ишлаб чиқиш ва энг муҳим маҳсулот турларини тақсимлаш ҳамда шулар асосида оммавий юк оқимларини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Территориал-ишлаб чиқариш комплексларини (ТПК) планли равишда шакллантириш катта иқтисодий фойда беради. Қарорда энг муҳим комплекслар бўйича уларни ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш ва капитал қурилишнинг йиғма планларини тузиш, Сибирь ва Узоқ Шарқ территориал-ишлаб чиқариш комплекси бўйича эса иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиб туриш назарда тутилади.

III.

Планлар ва уларнинг бажарилишини таъминлаш устида олиб бориладиган ҳамма амалий ишларда кўпроқ иқтисодий дастурлар ва стимуллардан самарали фойдаланишга таянмоқ лозим. Агар биз тасдиқланадиган кўрсаткичлар ва нормативларни халқ хўжалиги манфаатларини тармоқлар ва корхоналар манфаатлари билан яхшироқ қўшиб олиб боришга қаратсак, уларнинг берадиган самараси анча ошади. Қарорда беш йиллик планнинг муқим кўрсаткичлари ва иқтисодий нормативлари асосида хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш назарда тутилади. Йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини барпо этиш ишлаб чиқаришни бошқаришнинг биринчи бўғинида иқтисодий манёвр қилиш ва хўжалик ҳисобини ривожлантириш имконини кенгайтиради, тармоқларда ҳам хўжалик ҳисоби муносабатларини шакллантириш учун омиллар яратади.

Ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо беришда иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш ва улардан фойдаланишда сифат кўрсаткичларининг роли ошиб бормоқда. Худди шу иқтисодий кўрсаткичлар эса буюртмачиларнинг эҳтиёжларини шартномалар бўйича маҳсулотлар етказиб бериш асосида қондирилишини, маҳсулотнинг техникавий даражасини, меҳнат унумдорлигининг ўсишини, моддий ресурслар сарфининг камайиши ва фойда олишнинг кўпайишини билдиради. Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва рағбатлантириш учун иқтисодий нормативлар системасини фойдани тақсимлаш нормативлари билан биргаликда ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Бундай нормативлар тармоқларга уларни хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказиш вақтида жорий этилади. Тўловларни бюджетга киритишнинг рағбатлантирувчи тартиби ўрнатилади. Агар белгиланган фойда плани бажарилмаса, министрликнинг ихтиёрида қолувчи фойдани тегишли миқдорда камайтириш ҳисобига барибир бюджетга взнослар тўланаверади. Министрликларнинг молия планлари қанчалик асосланган бўлса, кўрсаткичлар қанча муқим бўлса иқтисодий дастурларнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Министрликлар ва идораларда фойдадан ажратмалар ҳисобига фан ва техникани ривожлантириш учун вужудга келтириладиган ягона фонд маблағларининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш назарда тутилади. Шунинг учун бу фонд асосан янги техниканинг фактик самарадорлигини ошириш ҳисобига тузилиши ва техника тараққиётининг асосий йўналишларида фойдаланишини назорат қилишни таъминламоқ керак.

Партия ва ҳукумат меҳнат ресурсларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Демографик вазиятнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурсларини яхшироқ планли тақсимлаш ва назорат қилиш мақсадида ишловчиларнинг миқдори лимитини белгилаб қўйиш, шунингдек, меҳнатнинг умумий ҳажмида қўл меҳнатининг ҳиссасини қисқартириш юзасидан топшириқларни тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Гап шундаки, ишчилар ва хизматчилар миқдорининг корхоналар ва ташкилотларнинг ўзлари томонидан белгиланиши ходимлар расчет миқдорини оширишга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Масалан, 1978 йилда корхоналар ва ташкилотлар планларининг суммаси бўйича ишчиларнинг умумий сони халқ хўжалиги плани расчетларида қабул қилинган эҳтиёждан икки миллиондан кўп кишига ортиб кетди. Бундай аҳвол меҳнат ресурслари ва халқ хўжалиги тармоқларини ишчи кучи билан таъминлаш планлари балансининг тартибга солувчилик ролини сусайтириб юборади, ишчи кучига сунъий дефицит туғдиради. Шунинг учун янги беш йилликни кутиб турмасдан кейинги йилданоқ корхоналар учун ишловчиларнинг сони лимитини белгилай бериш керак.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш учун иш ҳақи фондини тежаш ҳисобидан тариф ставкалари ва окладларига қўшимча ҳақ тўлашнинг янги тартиби белгиланади. Давлат социал страхованиесига тўланадиган взносларнинг амалдаги тарифлари оширилади. Меҳнатни ташкил этишнинг ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси янада ривожлантирилади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва иш сифатини яхшилашга қаратилиши керак.

Биз СССР Госпланида машиналар ва асбоб-ускуналарнинг материал сарфини вазнини камайтириш, ишлаб чиқаришда нобудгарчиликларни қисқартириш масалаларини бир неча бор кўриб чиқдик. Бироқ, моддий ресурсларни тежаш бўйича берилган план топшириқлари ҳозирча бажарилмаётир, айни вақтда бизда кўпинча тайёр маҳсулот бирлигига ривожланган капиталистик мамлакатлардагига нисбатан анча кўпроқ моддий ресурслар сарфланмоқда. Эндиликда иқтисодий дастурлар материал сарфлашни камайтиришга, буюмлар ишлаб чиқаришга ресурсларни минимал даражада сарфлашни рағбатлантиришни кучайтиришга, материалларнинг арзон, янада прогрессив турларини қўллашга қаратилади. Янги буюмларга энг кам материал сарфлаб улгуржи нарх белгилашдаги фойданинг миқдорлари сақлаб қолинади.

Иқтисодий дастурлар ва стимулларни такомиллаштириш планларни бажариш вақтидагина эмас, балки уларни ишлаб чиқишда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим резерви бўлиб қолиши керак. Бунинг учун иқтисодий механизм планлаштиришнинг бутун методик ҳужжатларида ўзига муносиб ўрин олиши, планлар билан, нормалар ва нормативларнинг бутун системаси билан органик равишда боғланиб кетиши керак. Рағбатлантириш фондининг ҳар бир сўми самарадорликнинг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланиши орқали наф келтириши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини планлаштириш ва хўжалик юритиш практикасида қўлланиш бир қанча кўрсатмалар, қоидалар, инструкциялар, нормативларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Методик ҳужжатларда, план формалари ва кўрсаткичларида планлаштириш ва хўжалик юритишнинг янги методлари акс этиши керак. Муддат жуда қисқа, лекин бу муддатга қатъий амал қилмоқ лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Госплани зиммасига министрликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилаётган беш йиллик ва йиллик планлар лойиҳаларининг сифатига талабни ошириш, қарорда қўйилган талабларга жавоб бермайдиган план лойиҳаларини қайта ишлаш учун қайтариб бериш мажбуриятини юкладилар. Шу билан бир вақтда министрликлар ва идоралар тасдиқланган йиллик ва квартал планларнинг муқим бўлишини таъминлашлари, планларни камайтиришга олиб келадиган тузатишга йўл қўймасликлари керак.

Планлаштиришни ва хўжалик механизмини, ишнинг услуби ва методларини муваффақиятли такомиллаштириш кўп жиҳатдан бошқарув ташкилий структурасининг аҳволига боғлиқ. Саноат тармоқларини бошқаришнинг бош схемаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги мавжуд тажрибага таяниб, бу масалани халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ва фаолият соҳаларида комплексроқ ҳал қилиш керак.

Ташкилий структуралар идоравий тарқоқликни тугатиш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш масалаларини яхшироқ ҳал қилиш, тармоқ программалари ва территориал ишлаб чиқариш комплексларига раҳбарликнинг оқилона формаларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиб бермоғи керак.

Ҳеч шубҳа йўқки, партия, совет, хўжалик ва комсомол органлари, меҳнаткашлар коллективлари белгиланган тадбирларни рўёбга чиқариш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар, халқ хўжалигининг янада юксалишини таъминлайдилар, социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшадилар.

Н. БАЙБАКОВ,
СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси.

(«Правда»нинг 22 август сони).

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЗИЁ МАСКАНИ

Ҳозирги фаровон турмушимизни китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Риштон районидаги марказий кутубхонанинг 4-филиалида китобхонлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мазкур кутубхонада уч ярим мингдан зиёд илмий, бадиий, техникавий, сиёсий адабиётлар мавжуд. Китобхонлар сони эса 600 нафарга етди. Мактаб ўқувчилари, бўрдоқичилик базаси ва бошқа корхоналар ишчи-хизматчилари бу маданият ўчоғи хизматидан баҳраманд. Кутубхона аъзоларидан пенсионер Ҳамро Мақсудов, Қорабош Охуновлар зиё масканининг хизматидан беҳад миннатдор. Шуниси қувончлики, олисда яшаётган пенсионерларга китоблар уй-уйларига етказиб берилмоқда.

Район марказидан ташқари «Риштон» совхози бригадаларида ва бошқа колхоз-совхозларда китоб кўргазмалари ташкил этилмоқда. Пахтакорлар севган китобларини дала шийпонларидаёқ танлаб олмоқдалар. Бу эса хўжалик меҳнаткашларининг қимматли вақтларини бирмунча тежаш имконини бермоқда.

А. ТОЛИПОВ,
ишчи.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ДЕПУТАТ ГРУППАЛАРИ

Маҳаллий Советлар ишини аниқ мақсад сари йўналтиришда депутат группаларининг роли катта. Бу ўринда Бухоро районидаги Галаосиё посёлка Совети депутат группалари ва кўп сонли халқ хизматкорларининг ибратли ишлари диққатга сазовор. Бу ерда беш жойда депутат группаси ҳаракат қиляпти. «Бухоро» колхозидаги депутат группасига Р. Султонов, «Галаосиё» совхоз-заводидаги группага М. Отамуродов, ишлаб чиқариш техника таъминоти район бошқармасидаги группага Ж. Ҳидирова, 2-механизациялашган кўчма колоннадаги группага Ҳ. Ҳожиева, посёлка Совети олдидаги группага Ҳ. Наимовалар раҳбарлик қиляптилар.

Мазкур депутат группалари атрофига 67 халқ депутати бирлашган. Ана шу зарбдор кучлар сайловчилар томонидан берилган наказларни бекаму кўст бажаришда, хўжалик ва маданий қурилиш, меҳнаткашларни тарбиялаш соҳасида, посёлка Совети сессиялари, ижроком мажлисларида қабул қилинган қарорларни турмушга татбиқ этишда жонкуярлик ва ишчанлик намуналари кўрсатаётирлар.

«Галаосиё» совхоз-заводидаги депутат группаси (бошлиғи М. Отамуродов) фаолияти мақтовга сазовор. Тўрт халқ депутатини бирлаштирган бу группа асосий эътиборни план-топшириқларини муваффақиятли бажариш, узум ҳосилини кўпайтириб, сифатини яхшилаш, соҳибкорларга қулай меҳнат шароитини яратиб беришга қаратган.

Депутатлар ташаббуси билан Галаосиё марказида эллик ўринли икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйи қуриб ишга туширилди. Халқ хизматкорларининг ғайрати билан сайловчилар томонидан берилган 69 наказнинг 62 таси муваффақиятли бажарилди. Аҳолига савдо, маиший, медицина хизмати кўрсатиш, ободончилик ишлари анча яхшиланди.

Умуман, депутат группалари Галаосиё посёлка Советининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаб, меҳнаткашларни КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга даъват этмоқда.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

АЖОЙИБ АНЪАНА

Чирчиқ шаҳри корхоналарида мусобақадош коллективларнинг меҳнат ва маданиятда эришилган ютуқларни ўзаро алмашишдек ўзига хос анъана расм бўлмоқда. Бунда маълум корхона ишчиларининг маданий-маиший ҳаёти ва спортда эришаётган ютуқлари иккинчи бир коллективга тақдим этилади. Меҳнат ва маданият эстафетаси деб юритилаётган анъанавий бундай маросимларда кишиларнинг имконият ва қобилиятлари, яшаш ва ишлаш учун яратилаётган шароитлари хусусида тажриба алмашинилади.

Ана шундай учрашувлардан бири яқинда 10-автобаза коллективи билан 47-ремонт-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ўртасида ўтказилди. Учрашувда автобаза бошлиғи А. Касьян меҳнат эстафетаси йилида эришилган муваффақиятлар ҳақида сўз юритиб, коллективнинг уч йиллик социалистик мажбуриятини қандай бажараётганлиги ҳақида ахборот берди. Сўнг ҳар иккала коллектив вакиллари бир-бирларига эсдалик совғалари тақдим этишди. Учрашув охирида ҳаваскорлар ижросида концерт кўрсатилди.

И. АХМЕРОВ.

Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли офсет фабрикасида бошланғич синфлар учун ўзбек ва рус тилларида дарсликлар чиқариш ниҳоясига етказилди. Бу ерда янги ўқув йили учун уч миллиондан ортиқ чиройли дарсликлар ҳозирланди. Суратда фабрика контролёрлари Д. Зиёева (чапда) билан Ш. Маназаровалар учинчи синф учун чоп этилган «Ўқиш китоби»нинг сўнгги нусхаларини текширишмоқда.

А. Горокрин фотоси (ЎзТАГ).

ДАРБАДАРНИНГ АЯНЧ ҚИСМАТИ

ТАҚРИЗ

Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Революция шарафи клубининг аъзоси, уруш ва меҳнат ветерани Баҳўр Исҳоқовларникига унинг етмиш ёшга тўлгани, КПСС сафига кирганига эллик йил бўлгани ҳамда Соро билан олтин тўйларини нишонлаш учун узоқ-яқиндан ёр-дўстлари йиғилишган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элезеров Йосеф-Хай Баҳўрнинг ажойиб суратини чизиб, совға учун келтирган. Баҳўрнинг қизи Лио, ўғли Лёва (Улуғ Ватан уруши ветерани), келини Раялар меҳмонлар атрофида парвона. Лионинг қизи — Баҳўрнинг набираси арабча кийинган, арабча рақсга тушмоқда. Ҳамма хурсанд. Фақат қизчанинг отаси — Симҳонинг хаёли паришон. Уруш даврида чет элга қочиб кетган отасининг вилласи, миллионлари, яҳудийларнинг «асл Ватани» Исроилнинг оромбахш боғлари, гўзаллари унинг кўзи олдидан бир-бир ўтарди...

Ёзувчи Ёқуб Хаимовнинг Малик Раҳмон билан ҳамкорликда ёзган «Дарбадар» романи[1] сионизм найрангларига учган Симҳо каби ношукурлар фожиаси ҳақидадир.

Маълумки, романнинг биринчи китоби 1965 йил «Ҳаёт-мамот» номи билан нашр этилганди. Асарда Довид исмли яҳудийнинг Октябрь инқилобидан кейиноқ бойлик ва бахт излаб хорижга қочгани ва у ёқдаги фожиавий ҳаёти тасвирланган. Чет элда ҳақсизлик ва хўрликдан бошқа нарсани кўрмаган Довид бир илож қилиб, турист сифатида Тошкентга келади. Қавм-қариндошларининг, укаси Баҳўрнинг фаровон ҳаётини кўриб, ич-ичидан эзилади; ота-онаси қабридан бир сиқим тупроқ олиб қайтади. Кейин оиласи билан Ўзбекистонга бутунлай келмоқчи бўлганда Америка маъмурлари рухсат беришмайди.

«Дарбадар» «Ҳаёт-мамот»нинг давоми бўлиб, бизга таниш қаҳрамонларнинг кейинги тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Асарда асосан уч персонаж — хору зорликда ўлган Довиднинг икки ўғли Ҳеди ва Шаломонинг, шунингдек нобакор отаси туфайли саргардон бўлган Симҳонинг оғир ва сермашаққат ҳаёти билан танишамиз. Аввало роман далил ва ҳужжатлар асосида ёзилганлиги билан диққатга сазовордир. Асар қаҳрамонлари ҳаёти, кечирмалари тасвирида Исроил давлатини ҳалокат чоҳига итараётганлар — халқаро сионизм кирдикорлари ва унинг ҳақиқий башараси фош этилади.

Ҳеди отаси уйидан қочади. У ўгай отаси Терри ҳамда онаси Эдияни излаб Лос-Вегасга келади. Келади-ю, онасининг шармандаларча ўлгани ҳақида эшитади. Ночор қолган Ҳеди йўлтўсарлик билан шуғулланади. У ҳадемай сионистлар таъсирига тушиб, уларнинг фойдасига ишлай бошлайди. Бора-бора каллакесар Ҳеди Исроил давлатининг арабларга қарши уруши учун ҳарбий учувчилар тайёрлайдиган мактабда тарбиячи бўлиб етишади.

«Сизлар, «яҳудий қоплонлар»и, ўзларингнинг ким эканликларингни яхши билиб олишларинг керак. Сизлар том маъноси билан йиртқичсизлар. Яҳудийлар учун бизга халал берувчиларни йиртқичларча ғажиб ташлашларинг керак. Биз легиончилар, айрим лақмалар айтганидек, яҳудийларни жалб қилиш йўли билан эмас, балки алдаб, зўрлаб Исроилга жўнатишимиз лозим. Худди шундай қилишимиз керак. Хоҳламаганларни мажбур қилишимиз, қутқу солиб антисемитга айлантиришимиз керак. У антисемитга айлангач, у билан кураш очиб, ҳатто йўқотишимиз керак. Бу — масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони — бошқа халқларни яҳудийларга қарши гиж-гижлатишимиз лозим. Исканжалардан сиқилиб қолган яҳудийлар ўзлари Исроилга кўчишга мажбур бўладилар...» — Ҳеди тарбияланувчи йигитларга шундай деб уқтирарди. Уларни жанжалкаш айғоқчилар руҳида тарбиялар, шу тахлитда машқ қилдириб, Исроилга аскар тайёрлар эди. У соддадил, бўш-баёв Шаломони ҳам ўзининг қаллоблик, каллакесарлик ишларига жалб этмоқчи бўлади. Шаломо чор-ночор Ҳеди каби ҳарбий учувчи бўлиб етишади. «Буюк Исроил» учун жангларда иштирок этади. Садоқат билан хизмат қилиши учун сионистлар Шаломонинг онаси номидан хатлар уюштирадилар. Аммо, барибир ҳақиқат юзага қалқади: соф виждонли яҳудийлар ёрдамида Шаломонинг кўзи очилади. Ҳаво жанги пайтида у Ҳедининг самолётини уриб туширади ва ўз самолёти билан Қоҳира томон қочади. Араблар унинг самолётини уриб туширсалар ҳам ўзи омон қолади. Шаломо ҳақиқий инқилобчига айланади, радио орқали чиқиш қилиб сионистларни фош этади. Совет Иттифоқидаги бахтли эркин турмуш ҳақида эшитиб, шу томонга ўтиш иштиёқи билан ёнади.

Симҳонинг тақдири бошқача кечади. У Ҳеди ва Шаломо каби хорижда тарбия кўрмаган. Симҳо Абромов Тошкентда туғилиб, совет таълим-тарбиясини олган. У олий маълумотли врач — тиш доктори. Инқилоб ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Баҳўр Исҳоқовнинг Лио исмли қизига уйланади. Уруш даврида душман томонга ўтиб кетган отаси эндиликда Исроилдан туриб Симҳога хат ёзади. Уғлига у ўзини катта бойлик эгасиман, келиб менинг ёлғиз меросхўрим бўлгин дейди хатида. Симҳо ношукурлик қилади: онаси, бола-чақасини ташлаб, Исроилга кетади. У ердаги аянч ҳаётни, отаси алдаганини кўради. Отаси уни алдаб Исроилга келтиргани учун сионистлардан 1400 лира олганининг гувоҳи бўлади. Исроилдаги мудҳиш ҳаётни кўриб, у минг-минг пушаймонлар ейди. Аммо ғишт қолипдан кўчган эди. Энди Симҳо агрессияга қарши, сионизмга қарши тинч ҳаёт учун курашаётганлар сафига қўшилишга, курашишга аҳд қилади.

Яҳудийларни Совет Иттифоқидан чақириб олиш билан шуғулланувчи «Сохнут» жамияти Симҳони «қўлга олишга» кўп уринади. Аммо у бўш келмайди. Исроил маъмурлари уни юз куйга соладилар. Симҳо арабларга қарши жангларда қатнашишга мажбур бўлади, яраланади, изтироб чекиб шаҳарма-шаҳар кезади. Дарбадар бўлади. Сионистлар таъқибидан қочиб, яҳудийлар бахти учун курашга бел боғлаган Шаломо билан топишади...

Мана унинг ички изтироблари, ички туғёни: «Қизиқ...

Ана энди бутун олам чиндан ҳам балки дўзах Исроилдан орқа-олдимга қарамай қочганимдан ажабланмоқда. Менинг бундай фожиали ҳолга тушишимга ким айбдор? Ким? Ўзларининг қалбаки даъватлари, инъом-эҳсонлари ва ёлғон ваъдалари билан қалбимга жо бўлиб олган Исроил ва сионистларгина айбдорми? Йўқ! Нега? «Табаррук ерда» оғир аҳволга тушиб қолишинг турган гап деб совет идоралари мени неча марта огоҳлантиришган эдилар. Аммо мен аҳмоқ эса... совет граждани деган юксак номни булғадим, оёқ ости қилдим. Буни бўйнимга оламан. Мени туққан онам каби ардоқлаган ва ҳар қандай бало-қазолардан асраган Ватанимга хиёнат қилдим. Азиз Ватанимга қайтишим учун шунча тортган азоб-уқубатларим, сарсон-саргардонликларим, ғариб бўлганларим етар дейман энди?

Романнинг бош қаҳрамонлари Шаломо ва Симҳолар дунёнинг кўпгина жойларида сионистларнинг антагонизм ва антисемитизмни тарғиб қилувчи ташкилотларига дуч келадилар. Китобхон уларнинг саргузаштлари орқали халқаро сионизмнинг ҳақиқий башарасини кўз олдига келтиради: бугунги Исроил давлатининг чиркин сиёсати уни ҳалокатга олиб бораётганига гувоҳ бўлади.

Асар ниҳоясида Симҳо Абромов катта қийинчиликлар билан Ватани — Совет Иттифоқига қайтиш бахтига муяссар бўлади. Адашганида, Исроилда кўп қийинчиликлар бошига тушганда Симҳога ачинган китобхон, энди у Совет Иттифоқига қарата: «Салом, менинг севикли Ватаним!» деганида қувончларига шерик бўлади. Асарнинг тарбиявий аҳамияти зўр.

Исроил давлатида бир миллат одамлари яшайди, аммо у ерда дўстлик, иноқлик у ёқда турсин, инсоний муносабатлардан асар ҳам топмаймиз. Совет мамлакатида эса турли миллатга мансуб кишилар бир оила фарзандларидек яшайди. Асарда бу ўзининг ёрқин ифодасини топган. Буни биз романда Баҳўр Исҳоқов, хотини Соро, қизи Лио, ўғли Лёва ва унинг фронтда уйланган хотини Раяларнинг бахтли, тўкин ҳаёти мисолида кўрамиз.

Роман муаллифлари Ёқуб Хаимов ҳамда Малик Раҳмонлар Исроил давлатининг тарихи, унинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, сионизмга доир ҳужжатларни кунт билан ўрганганликлари сезилиб турибди. Асарда сионизмнинг манфур башараси эпик планда моҳирона очиб берилган, антагонизм, антисемитизм шароитида миллатнинг бирлиги ҳақида сўзлаш беҳуда эканлиги маҳорат билан кўрсатилган ва бу муаллифлар ютуғидир. Шу нуқтаи назардан романни Советлар диёрига бўҳтонлар ёғдираётган манфур сионизмнинг ҳақиқий башарасини фош этувчи роман-памфлет деб атагимиз келади.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари кандидати.

[1] Ё. Хаимов, М. Раҳмон. Дарбадар. Роман. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил.

ФУТБОЛ

„ПАХТАКОР“ГА МАДАД КУЧЛАРИ

Олий лига вакили «Пахтакор» командаси асосий составининг кўпчилик ўйинчилари авиация ҳалокатига учраганлиги муносабати билан СССР Спорт комитети командага амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Албатта, юз берган бахтсизликни сўз билан ифода этиш қийин. Лекин бизнинг социалистик жамиятимизда ҳар қандай нохушлик юз берганда ҳам, яна тикланиш ишларини йўлга қўйиш, мадад кучлари кўрсатишга барча имкониятлар бор. Буни социалистик тузум, совет турмуш тарзи тақозо этади. Совет футболи тарихида биринчи марта юз берган воқеани ҳар томонлама ўрганиб, қийин аҳволда қолган коллективга ёрдам кўрсатиш ҳақида махсус қарорнинг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир.

Хўш, мазкур қарорда командамизга бериладиган имтиёзлар нималардан иборат? Мухлисларга шуни маълум қиламизки, «Мамлакат чемпионати ҳақида Низом»га қўшимча тарзда «Пахтакор» командаси уч йиллик муддат мобайнида олий лигада сақлаб турилади, деган илова киритилди. Бу деган сўз — ана шу даврда пахтакорчилар составини янги кучлар билан мустаҳкамлаш, кадрлар танлашни ўрнига қўйиш учун имкон берилади демакдир. «Пахтакор» командаси тренерларига «Ўйинчиларни командадан командага ўтказиш инструкцияси» қоидаларидан қатъи назар, мавсумнинг истаган вақтида хоҳлаган футбол командаларидан ўз коллективига ўйинчиларни таклиф этишга рухсат этилди. Мамлакатимиз командаларининг раҳбар ва тренерлари «Пахтакор» командасига амалий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқмоқдалар. Бир қатор ўйинчилар пахтакорчилар составида ўйнашга рози эканликларини билдирдилар.

Лекин пахтакорчилар устози О. Базилевич командага кўрсатилаётган ёрдамга қараб турмасдан, ўринбосарлар составида тўп суриб юрган ва ўз иқтидори билан кўзга ташланиб қолган ўйинчиларни асосий составга қўйиш режасини тузиб, тўғри қилмоқда. Республиканинг иккинчи лигада куч синашаётган 14 командасидан қобилиятли ўйинчилар сараланди. Жумладан, янгиерлик ҳимоячи Вячеслав Ким, Жиззахнинг «Бўстон» командасидан ярим ҳимоячилар Владимир Карман билан Юрий Ивановлар, Фарғонанинг «Нефтяник» ҳимоячиси Владимир Эннс, Тошкентнинг «Старт» командасидан дарвозабон Расим Ахтямов, Термизнинг «Автомобилист» командасидан ҳужумчи Р. Файрузовлар «Пахтакор» составида ўйнаб турадилар. Лекин бу, команда состави ана шу кучлар ҳисобига таркиб топади, деган гап эмас.

Кеча пахтакорчилар Ереванда «Арарат» футболчилари меҳмони бўлишди. Бу учрашувда пахтакорчилар юқорида номлари қайд этилган ўйинчилар ҳамда ўринбосарлар сафидан олинган футболчилар ҳисобига тўлдирилган ҳолда майдонга туширилди. Республикамиз футбол шарафини СССР халқлари ёзги VII Спартакиадасида кучлилар қатори тўп сурган ўринбосарлардан ярим ҳимоячи Тўра Шоймардонов, ҳужумчи Шариф Файзиев ҳамда Константин Новиков, ҳимоячи Вячеслав Ширин, ҳимоячи Дмитрий Романлар ҳимоя қилдилар. 27 август куни эса пахтакорчилар тбилисилик динамочиларни қабул қилишади.

Ҳ. НОСИРОВ.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● ЧИМ ХОККЕЙ. Москвада аёллар командалари ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа якунланди. Совет хоккейчилари биринчи ўринни эгаллашди. Терма команданинг бу муваффақиятига «Андижанка» коллективи қизларидан А. Хан, Э. Орифжонова, Л. Ахмерова, С. Рассолова ва Н. Горбатковалар муносиб ҳисса қўшдилар.

● ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ. ГФРнинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Икки кишилик байдаркада куч синашган тошкентлик армиячи Виктор Буканов чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Польшанинг Бидгош шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионатида республикамиздан олти спортчи иштирок этди. Булардан тошдарка куч синашган тошкентулоқтириш бўйича кумуш медаль олганини маълум қилган эдик. Яна бир вакилимиз А. Кузнецов 3 минг метрга югуришда маррага учинчи бўлиб келиб, бронза медалини олди.

● СУЗИШ. Ильцен (ГФР) шаҳрида Ғарбий Германия, Италия ва СССР ўсмирлари ўзаро куч синашдилар. Мусобақада иштирок этган республикамиз вакили А. Хлупин 100 метрга эркин усулда сузиш бўйича биринчи ўринни эгаллади.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ТЎҚУВЧИ ВА ЙИГИРУВЧИЛАР ГРУППАСИГА
8—10-синфни тугатган
ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ҳунар билан бирга ўрта маълумот бериладиган группаларда ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланади. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади. Бундан ташқари ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 проценти миқдорида пул тўланади. Саккизинчи синфни тугатиб, бир йиллик группага ўқишга кирганлар комбинат қошидаги ишчи-ёшлар мактабида ўқишни давом эттиришади.

Ҳунар билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўқишни аъло битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларининг кундузги ва бошқа бўлимларида ўқишга юбориладилар.

Билим юртида яхши спорт базаси, шунингдек, қишки бассейн, тикиш-бичиш тўгараги, фото тўгараги ва вокал-чолғу ансамбли мавжуд.

Бошқа шаҳарлардан келганлар бепул ётоқхона билан таъминланади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳунар билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 6 та фотосурат (3х4 см.), характеристика, турар жойидан справка, медицина справкаси.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй, 2, 3-автобусларнинг «85-ГПТУ» бекати, 18, 54, 58, 57, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 24, 23-трамвайлар, 2, 6, 14, 15, 16, 13-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефон 53-39-01.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979-1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти слесарь-сантехник-газ пайвандчилар, слесарь вентиляциячилар, электр пайвандчилар, электр-газ-пайвандчилар, химия ва нефть-химия саноати ускуналарининг монтажи бўйича слесарлар, токарлар, машинист-кранчилар, темир-бетон ва пўлат конструкцияларни бўйича монтажчи-электр пайвандчилар, ўтга чидамли ғиштларни терувчиларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати 1 йилдан 3 йилгача.

Билим юртига 8-10 синфни тамомлаган, 14-17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртида 1 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар 3 маҳал овқат билан таъминланадилар ва 30 сўмгача стипендия оладилар ёки овқат билан таъминланмай 60 сўм стипендия олишлари мумкин.

Билим юртида 3 йил муддат билан ўқиган ўқувчиларга ўрта маълумот ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида диплом берилади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини тамомлаганлар ўрта ва олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, 6 дона фотосурат (3х4 см), турар жойидан справка, характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 37, 52, 68, 106-автобусларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекатлари).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/VIII да **Уйқудаги гўзал** (премьера), 25/VIII да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/VIII да **Келинлар қўзғолони,** 25/VIII да **Олтин девор.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кичик юлдузлар шуъласи» лилипутлар циркининг гастроллари.**

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАН ОЛДИН БИНОНИ ШАМОЛЛАТИШ, КРАНЛАРНИНГ ҲАММАСИ БЕКИТИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИШ ЗАРУР.

Газ асбобларидан фойдаланиш вақтида эҳтиёт бўлинг. Бинога ёнган газ ҳиди келаётганлиги дудбуронларда тортиш қониқарсиз ёки кучсиз эканлигини билдиради.

Ёнаётган газ ҳиди киши организмига заҳарловчи таъсир ўтказади.

Маиший газ асбобларидан фойдаланиш вақтида фалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида

КУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ:

газ горелкаларини қаровсиз қолдириш;

газ асбобларидан болаларнинг ва маст кишиларнинг, шунингдек фойдаланиш қоидаларини билмайдиган кишиларнинг фойдаланиши;

дудбуронлари ўз вақтида текшириб кўрилмаган газ асбобларидан фойдаланиш;

газ баллонларини қуёшдан ҳимоя қилинмаган жойда қолдириш, газ асбобларини ўзбошимчалик билан бошқа ерга олиб бориш ёки ремонт қилиш билан шуғулланиш.

ГАЗ ҲИДИ ПАЙҚАБ ҚОЛИНГАН ВАҚТДА:

газ қувуридаги кранни, газ асбоблари горелкалари кранини ва баллон вентилини беркитиш;

форточка ёки ойнани очиш ва бинони шамоллатиш,

дарҳол авария хизматига 04 телефони орқали қўнғироқ қилиш.

Газ ҳиди чиқиб кетишини бартараф этиш учун қуйидагилар ман этилади:

газ асбобларидан фойдаланиш,

гугурт чақиш ва чекиш,

электр асбобларини ишга солиш ва тўхтатиб қўйиш.

ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ — УЛАРДАН ХАВФ-ХАТАРСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ГАРОВИДИР.

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ.

●

Футбол бўйича СССР 42-чемпионати

27 август соат 19.30 да «Пахтакор» республика марказий спорт комбинатида «ДИНАМО» (Тбилиси) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) **олий лига командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ректорати, ер тузилиши факультети, ерни лойиҳалаш кафедраси коллективи шу кафедранинг мудири доцент А. Абдураззоқовга отаси

Тошпўлат АБДУРАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти коллективи сиртқи бўлим декани А. А. Валичга акаси

Яқуб Абдуқодирович БАЛИЧнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Время». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Орлёнок». 11.05 — «Муносиблар саёҳати». Бадиий фильм, 2-серия. 12.10 — Концерт. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Шахмат мактаби. 16.40 — Концерт. 17.00 — «Бугунги ва эртанги кун». 17.45 — Сиз ёқтирган шеърлар. 18.15 — «Қизил Клайди қаҳрамони». 18.25 — «Москва ва москваликлар». 18.55 — «Боцман». Бадиий фильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Алкоголизм». 20.00 — Концерт. 20.10 — «Француз тили дарслари». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «1979 йил қўшиқлари». 23.30 — «Оқадаги уй». 23.55 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Пўлат қандай тобланди». Бадиий фильм, 3-серия. 12.35 — Болалар концерти. 13.25 — «Жаноб «Р». Бадиий фильм. 18.20 — «Ёшлик». 19.00 — «Фан». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Оламда нима гап». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Инсон ва замин». 22.25 — «Сўқмоқдаги беш киши». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — «Шер қабри». Бадиий фильм. 19.55 — Янгиликлар. 20.15 — Концерт. 20.50 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.20 — Ҳужжатли кино экрани.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек классик қўшиқлари 9.30 — Танбур ва сато тароналари. 12.10 — «Узбекистан индустриальный». 13.00 — Кооператор-чорвадорлар зарбдор вахтада. 13.30 — Концерт. 14.00 — «Юксак мақсад». 18.30 — Эл севган шифокорлар. 18.45 — «Юность Узбекистана». 20.25 — Севги қўшиқлари. 20.50 — Аҳолига граждан мудофааси ҳақида. 21.00 — Концерт. 22.28 — Мен, бувим, Илико ва Илларион. Радиоспектакль.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69 32-53-97 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18 32-53-20, 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-31-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07423. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 194.